

З.И. Аташикова, М.О. Мусаева, Н.О. Шамадиева

Ўзбек тили

Умумтаълим мактабларининг
2-синфи учун дарслик

2-қисм

*Қозоғистон Республикаси
Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган*



Алматы
«Жазушы»
2022

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Узб-922
А 90

Шартли белгилар

Ўқиймиз



Гуруҳда ишланг



Ёзамиз



Аниқлаймиз



Тинглаймиз



Мақол



Сўзлаймиз



Тез айтиш



Жуфтликда ишланг



Топишмоқ



Аташикова З. И. ва б.

А 90 Ўзбек тили. Умумтаълим мактабларининг 2-синфи учун дарслик. 2-қисмли / *Аташикова З.И., Мусаева М.О., Шамадиева Н.О.* 2-қисм. – Алматы: Жазушы, 2022. – 188 бет, расмли.

ISBN 978-601-200-784-8

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Узб-922

ISBN 978-601-200-784-8 (2-қисм)
ISBN 978-601-200-786-2

© Аташикова З.И., Мусаева М.О.,
Шамадиева Н.О., 2017, 2022

© «Жазушы» баспасы, 2017, 2022

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.
Нашрнинг мулкӣ ҳуқуқлари
«Жазушы» нашриётига тегишли.



1. Ўқиймиз.
Шеърни ўқинг.

Қор ёғиб, бўлса аёз,
Қочар грипп – бетоблик.
Яхмалак тоғ-қирларда,
Янграйди қўшиқ, шодлик.
Шу сабабдан ҳаммага
Севинч олиб келар қор.
Билдингизми, оқ қорнинг.
Қандай хосияти бор!



Илёс Муслим

1. Қорнинг инсон саломатлигига қандай аҳамияти бор экан?
2. Шеърда нечта сўз ўқидингиз?
3. Ажратиб кўрсатилган сўзлар нимани билди-ряпти?

Билиб олинг!

*Сўзлар шахс ва нарса номини, унинг
ҳаракатини, белгисини, саногини билдиради:
қор, ёғди, қиш, ўттиз, беш, оппоқ, юмшоқ,
югуради, чиройли*



2. Аниқлаймиз.

Мақолни ўқинг ва кўчиринг.

Қор ёғди – дон ёғди.

Нечта сўз ёздингиз? Мақолни мазмунини тушунтиринг.



3. Ёзамиз.

Ўқинг. Сўз ва гапларни қиёсланг. Гап сўздан нимаси билан фарқланади?

Сўзлар: соғлик, тозалик, бадантарбия, сув, тоза, тиниқ, озода, чиниқади, теради, ювяпти, ўн, йигирма тўрт, юз.

Гаплар: Эрталаб бадантарбия қилинг. Тоза ҳавода юринг. Озода кийининг.

Сўзларни кўчиринг.



4. Ўйлаймиз, аниқлаймиз.

Берилган сўзларни ўқинг ва гуруҳларга ажратинг.



Қуёш, ёқимли, оппоқ, учди, иккинчи, қиздирди, бешта, ўқувчи.



5. Суҳбатлашамиз. Расмларга қаранг.



Болаларнинг қайси ҳаракатлари соғлик учун фойдали деб ўйлайсиз?



НАРСА НОМИНИ
БИЛДИРГАН СЎЗЛАР

1. Ўқиймиз.
Шеърни ўқинг.

Қор

Оппоқ тиниқ, оппоқ қор,
Ўйнаб тушар осмондан.
Қор қўйнида ўйноқлаб
Юрар ёшлар шод-хандон.
Иссиқ-иссиқ кийиниб,
Қор қўйнида ўйнаймиз.
Оёқларда конькилар,
Ҳам чанғилар, қувнаймиз.

Зафар Диёр



1. Шеър қандай болалар ҳақида деб ўйлайсиз?
2. Улар соғлом бўлиш учун қандай ўйинлар ўйнашади?
3. Нарса номини билдирган сўзларни топинг ва ёзинг.





2. Ёзамиз.

Расмларга қаранг. Уларнинг номларини айтинг.
Алфавит тартибида ёзинг.





3. Ўқиймиз ва аниқлаймиз.

Қиш

Ўлкамизда қиш фасли. Бепоён далаларни, боғларни оппоқ қор қоплаган. Ҳамма ёқда совуқ изғирин кезмоқда. Дарахт куртаклари роҳатланиб ухламоқда. Айиқ ҳам, бўрсиқ ҳам, калтакесак ҳам, типратикан ҳам ин-инларида тинч ухлаб ором олмоқда.



Матнда нечта гап ва сўз борлигини аниқланг.
Нарса номини билдирган сўзларни айтинг.



4. Ұйлаймиз.

Расмлардан саволларга жавоб топинг.



1. Қайси қуш баҳор элчиси?
2. Қайси ҳашарот энг кам умр кўради?
3. Шу сўзларни ёзинг. Улар иштирокида гаплар тузинг.

изғирин
бўрсик

- нарсa номини билдир-
ган сўзларни топишни;
- сўзларни алфавит
тартибиди ёзишни
ўргандик.

71

Дарс

НАРСА НОМИНИ, ҲАРАКАТИНИ БИЛДИРГАН СЎЗЛАР



1. Ўқиймиз.
Шеърни ўқинг.

Қиш бўлсин



Чиниқтириб
Танамни,
Ишга солдим
Чанамни.
Қор ёғсин-у,
Қиш бўлсин.
Кўнглим доим
Хуш бўлсин.

Маҳмуд Юнус

1. Бир бўғинли сўзларни топинг.
2. Улар иштирокида гаплар тузинг.
3. Сиз қишда ўзингизни қандай чиниқтирасиз?



2. Тез айтамыз.
Тез айтишни тез-тез айтинг. Кўчиринг.


Совуқда тустовуқ совуқ қотди.

Шахс, нарса ва ҳаракатини билдирган сўзларнинг тагига чизинг.



3. Фикрлаймиз.

Расмга қаранг. Нималарни кўряпсиз? Номларини айтинг, уларни таққосланг.



Нуқталар ўрнига *катта* ёки *кичик* сўзини қўйиб гапларни кўчиринг. Қўйган сўзларингиз нимани билдиради?

Намуна:

Ўрдак ғоздан кичик.

От туядан ...

Сигир филдан ...

Тулки куёндан ...





4. Аниқлаймиз.

Расмларга қаранг. Ғайрат акаси билан қаерга келганини аниқланг. Расм асосида ҳикоя тузинг. Сиз қордан, муздан нималар ясай оласиз?



5. Топишмоқнинг жавобини топинг.

Ўтда ёнмайди, сувга чўкмайди.



НАРСА ҲАРАКАТИНИ БИЛДИРГАН СЎЗЛАР



1. Фикрлашайлик.

Расмларга қаранг. Болаларнинг ҳаракатларига ўз фикрингизни билдилинг.



Бундай ҳаракатлар қандай ҳодисаларга олиб келиши мумкин? Болаларнинг ҳаракатини билдирган сўзларни айтинг.



2. Ўқиймиз.

Матни ўқинг.

Буларни ҳамма билиши керак

Бахтсиз ҳодисалар уйда, мактабда, сафарда, кўчада рўй бериши мумкин. Бундай пайтда биринчи

ёрдам беришни билиш керак. Одам яраланганда дарҳол боғлаб қўйиш керак. Агар электр токи урса, токни тезда узиб, симни ёғоч билан олиб ташлаш керак.

1. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?
2. Ажратиб берилган сўзларни бўғинга ажратиб ёзинг.



3. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Шеър нима ҳақида?

Қиш қўшиғи

Оппоқ қорга беланиб,
Ялтирайди кўчамиз.
Қиш қўшиғин янгратиб,
Шодлик гулин кучамиз.
Иссиқ-иссиқ кийиниб,
Чана суриб юрамиз.
Кўнглимиздай оқ фасл
Қишни яхши кўрамиз.



Олқор Дамин

Ажратиб берилган мисраларни сиз қандай тушунасиз?



4. Ёзамиз.

Бир йилда неча ой бор? Уларни айтинг.
Ой номларини фаслларга бўлиб ёзинг.

Қиш ойлари: декабрь, ...

Баҳор ойлари: март, ...

Ёз ойлари: июнь, ...

Куз ойлари: сентябрь, ...

Текшириб кўринг, тўғри ёздингизми? Юмшатиш белгили сўзларнинг тагига чизинг.



5. Топишмоқни топамиз.

Топишмоқни ўқинг, нарса ҳаракатини билдирган сўзларни аниқланг. Жавобини топинг.


Битта бирга битта уч

Ёпишибди қолибди.

Ҳар иккиси сарфлаб куч,

Битта бош ҳарф бўлибди.

У қандай ҳарф? шу ҳарф билан бошланадиган болаларнинг исмларини айтинг.



73

Дарс

ШАХС ВА НАРСА НОМИНИ БИЛДИРГАН СЎЗЛАР



1. Аниқлаймиз.

Расмга қаранг. Унда кимлар ва нималарни кўряпсиз? Сиз қачон нонушта қиласиз?



Ким? ва нима? Сўроқларига жавоб бўлган сўзларни айтинг.

Ким?.....

Нима?.....

Билиб олинг!

Шахс (киши)лар номини билдирган сўзлар ким? сўроғига жавоб бўлади: Ким? – шифокор, деҳқон, ўқувчи.

Нарсалар номини билдирган сўзлар нима? сўроғига жавоб бўлади.


Нима? – уй, чумчуқ, чумоли, от.



2. Ёзамиз.

Шеърни ўқинг. Шеърдаги ким? Сўроғига жавоб бўлган сўзларни ёзинг.

Қор



Карим чиқса ҳовлига
Қорқиз келиб кетибди.
Боғ оралаб эшикка
Шакар сепиб кетибди.
Уйдан чиқишар шошиб
Қўчқор, Гулшод ва Мухтор.
Сочларида ярқирар
Енгил, юмшоқ оппоқ қор.



3. Ўйлайми ва ёзамиз.



Ўқинг. Ким? сўроғига жавоб бўлган сўзларни бир устунга, нима? сўроғига жавоб бўлган сўзларни иккинчи устунга ёзинг.

Ошпаз, муз, чана, бобо, дарахт, акам, ошхона,
ўқувчи, мактаб, ҳайдовчи.



4. Аниқлаймиз.

Ғайрат тушлик қилмоқчи. Унга қандай овқатларни тавсия қилган бўлар эдингиз? Нима учун?



НИМА? СЎРОҒИГА ЖАВОБ БЎЛГАН СЎЗЛАР



1. Ўқиймиз. Шеърни ўқинг.

Олма, анор, шафтоли
Писта, бодом, қароли,
Олхўрию олчалар,
Чиллакию болчалар;
Бизни тўйиб енг дейди,
Бизда кўп даво, дейди,
Дардга биз шифо дейди.



Меваларнинг фикрига қўшиласизми? Нима учун?
Нима? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни топинг.



2. Ёзамиз. Матнни ўқинг.

Доривор ўсимликлар

Табиатда доривор ўсимликлар жуда кўп. Исмалоқ, жағ-жағ, отқулоқ, ялпиз, далачой, қоқигул каби ўт-ўланлар шифобахш ўсимликлардир.

Бу ўсимликлардан дамлама тайёрлаб ичсангиз танангиз яйраб кетади. Кучингизга куч қўшилади.




1. Яшаб турган жойингизда қандай доривор ўсимликлар ўсади?
2. Уларни қачон истеъмол қилгансиз?
3. Нима? сўроғига жавоб бўлган сўзларни ёзинг.



3. Аниқлаймиз.


Расмларга қаранг. Расмда берилган мева ва сабзавотларда қандай витаминлар борлигини энциклопедиядан топинг.




4. Ёзамиз.

Саволларга жавоб беринг. Жавобингизни ёзинг.

1. Боғда нималар ўсади?
2. Полизда нималар пишади?
3. Боғда олма, _____, _____, _____, _____ ўсади.
4. Полизда қовун, _____, _____, _____ пишади.



чиллаки
болча
қароли



- матндан нима? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни аниқлашни;
- саволларга жавоб ёзишни ўргандик.

75

Дарс

КИМ? НИМА? СЎРОҒИГА ЖАВОБ БЎЛГАН СЎЗЛАР



1. Ўқиймиз.

Ўқинг. Ким? нима? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни аниқланг.

Мусобақа

Бугун биз қўшни синф ўқувчилари билан спорт мусобақасида қатнашдик. Болалар майдонга келишди. Югуриш учун мос кийимларини кийишди. Айниқса, Ботир тез кийинди. Тўрттадан бўлиб югурдик. Бизнинг синф ўқувчилари ғолиб чиқишди. Устозимиз бизни табриклади.





2. Ұйлаймиз.

Расмга қаранг. Спорт анжомларининг номини ёзинг.



3. Ёзамиз.

Ўқинг.

Сўзлар ҳар хил бўлади. Жуда муҳим сўзлар бор: тинчлик, дўстлик, мактаб, ўқувчи.

Жуда қадрдон сўзлар ҳам бор: она, ота, ўртоқ, дўст. Лекин энг муҳим ва азиз сўз – Ватан.

Аввал ким?, кейин нима? сўроғига жавоб бўлган сўзларни ёзинг.



4. Ўйлаймиз.

Расмларга қаранг. Болалар спортнинг қандай тури билан шуғулланаётганини айтиб беринг.



**штанга
бадий гимнастика**

**- ким? нима?
сўроғига жавоб
бўлувчи сўзларни
аниқлашни
ўргандик.**

76

Дарс

ШАХС ВА НАРСАНИНГ НОМИНИ БИЛДИРГАН СЎЗЛАР



1. Ўйлаймиз.

Расмларга қаранг. Сўроқларга жавоб беринг.



Ким?



Кимлар?

Аввал ким? сўроғига, кейин кимлар? сўроғига жавоб бўладиган сўзни ёзинг.



2. Ўйнаймиз.

Ўртоқларингиз билан ўйнанг.

Тўплардан ўтиб кўр

4-5 та тўпчалар бир чизиқ бўйлаб қатор қилиб қўйилади. Тўплар орасидаги масофа тахминан 1-1,5 м. Ўйинчи тўплар жойлашишини яхшилаб ёдлаб олади. Кейин орқаси билан ўгирилиб олиб, орқага қараб юради.

Вазифа – тўпларга тегиб кетмасдан манзилга етиб бориш. Бунда тез ёки секин юриш ўйинчининг ўзига ҳавола.

Билиб олинг!

Бирдан ортиқ шахсни билдирган сўзлар кимлар? сўроғига жавоб бўлади.

Бирдан ортиқ нарсани билдирган сўзлар нималар? сўроғига жавоб бўлади.



3. Ўйлаймиз, ёзамиз.

Бир шахс ва нарса номини билдирган сўзларни бирдан ортиқ шахс ва нарса номини билдирган сўзларга айлантириб ёзинг.

Дала, қурувчи, бола, китоб, ота, машина, бино, устоз.





4. Фикрлаймиз.

Мақолни ўқинг ва мазмунини тушунтиринг.

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас,
Чанги чиқса ҳам донғи чиқмас.



5. Ёзамиз.

Матнни ўқинг. Аввал *кимлар?* сўроғига, сўнг *нималар?* сўроғига жавоб бўладиган сўзларни топиб ёзинг.

Қишда

Қишда қор ёғади. Кунлар совуқ бўлади. Ерлар музлайди. Болалар чана тортишади. Тепаликдан чанада сирғаниш қизиқарли бўлади.

Кимлар?
Нималар?



НИМАЛАР? СЎРОҒИГА ЖАВОБ БЎЛГАН СЎЗЛАР



1. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Кўчиринг. Нималар? сўроғига жавоб бўлган сўзларни аниқлаб тагига чизинг.

Тезроқ эритса-чи қорларни офтоб,
Субҳидам жилмайса нимпушти шафақ.
Ҳозирча қор ёғар, қор ёғар шитоб,
Далалар, кўчалар, дарахтлар оппоқ.

Саида Зуннунова



2. Аниқлаймиз.

Матнни ўқинг. Нималар? сўроғига жавоб бўлган сўзларни аниқланг.

Мева шарбатлари

Инсон учун мева шарбатлари ичиб туриш ниҳоятда фойдали. Ўлкамизда турли шифобахш мевалар кўп. Уларни ейиш фойдали. Лекин уларнинг шарбатини ичиш кишини янада соғлом қилади.

Уй шароитида турли шарбатлар тайёрлаш мумкин. Бу ҳақида китоблар бор.

1. Қандай мева шарбатларини биласиз?
2. Сабзавот шарбатлари ҳақида нималар биласиз?
3. Ойингиз қандай шарбатлар тайёрлайди?



2. Ўйлаймиз.


Расмга қаранг. Бу қандай ўсимлик? Унинг шифобахш хусусиятлари ҳақида маълумот тўпланг.




3. Топамиз.

Топишмоқларни ўқинг. Жавобини топинг.

Тепаликлар маконим,
Донланаман пишган чоқ.
Ўт оловда дудлашса,
Касаллик қолмас мутлоқ.



субҳидам
шафак



Нималар? сўроғига
жавоб бўладиган
сўзларни аниқлашни;
мева шарбати ҳақида
ўргандик.

КИМ? КИМЛАР? СЎРОҒИГА ЖАВОБ БЎЛГАН СЎЗЛАР



1. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Шеър қандай болалар ҳақида?

Довюрақлар

Болалар доим
Топқир бўлсалар,
Чаққону эпчил
Топқир бўлсалар.
Кўзлари ўткир,
Мерганлар керак
Мардона кўкрак –
Керганлар керак
Ўшандай авлод
Бизнинг ўзимиз.



Ажратиб берилган сўзларни намунадагидек ёзинг.

Намуна: авлодлар – авлод.



2. Ёзамиз.

Ким? сўроғига жавоб бўлган учта, кимлар? сўроғига жавоб бўлган учта сўз айтинг.

Аввал ким? сўроғига, сўнг кимлар? сўроғига жавоб бўлган сўзларни ёзинг.

Ким? Ўқувчи,.....,

Кимлар? Ўқувчилар,,



3. Матни тинланг. Ким? нима? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни аниқланг.

Улкан ҳовуз

Равшан теннис тўгарагига қатнашмоқчи бўлди. Шунинг учун шифокор кўригидан ўтди. Шунда унинг курак суяклари нотўғри ўсаётганлиги сезилиб қолди.

– Биласанми, ўғлим, – деди шифокор, – сен теннисдан кўра сузишга қатнашганинг маъқул. Бўлмаса елканг чиқиб қолади. Сув спорти буни даволайди.






- Ҳозир қиш-ку, сув совуқ, – деди Равшан.
- Мен сенга бир жойнинг манзилени ёзиб берман. У ерда худди ёздагидек маза қилиб чўмилишинг мумкин. Равшан излаб борган жой шаҳардаги спорт саройи экан. Равшан сувда роҳатланиб чўмилди.

Эркин Малик



4. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Гулнора Гулмиранинг синглисими,
Гулмира Гулноранинг синглисими?



КИШИЛАРНИНГ ИСМ ВА ФАМИЛИЯЛАРИНИНГ БОШ ҲАРФ БИЛАН ЁЗИЛИШИ



1. Ўқиймиз.

Ўқинг. Болаларнинг исм ва фамилияларини ёзинг.
Бош ҳарфларнинг тагига чизинг.

Чин дўстлар

Хайрулла Аҳмадов ва Акмал Пўлатов бир синфда ўқишади. Улар қалин дўст. Акмал шамоллаб, касал бўлиб қолди. Касали бироз чўзилди. Шунинг учун дарслардан ҳам қолиб кетди. Хайрулла мактабдан келгач, Акмалга ўзи олган сабоқларини ўргатди. Акмал дўстидан миннатдор бўлди.

1. Акмал нима учун касал бўлиб қолди?
2. Шамолламаслик учун нима қилиш керак?



Билиб олинг!

*Кишиларнинг иси ва фамилияси
бош ҳарф билан ёзилади.*



2. Ёзамиз.

Исмингиз ва фамилиянгизни, дўстингизнинг иси
ва фамилиясини ёзинг.

Менинг исмим

Фамилиям

Дўстимнинг иси

Унинг фамилияси



3. Суҳбатлашамиз.

Расмга қараб ҳикоя тузинг. Болага исм қўйинг.
У нима учун Акмалга ўхшаб касал бўлиб қолиши
мумкин?





4. Тез айтамыз.

Тез айтишларни ўқинг ва тез айтинг.

Қодир қишда қорни қизғанди.

Турсунда тўртта тўр қоп,
Унсунда битта қўлқоп бор.



5. Аниқлаймиз.

Бўғинларни тўғри жойлаштирамангиз қизларнинг исмларини топасиз. Уларни ўқинг. Нечта исм ўқидингиз?

Ма

мат

НО

на

за

Са


ло

Шаҳ

ди



сабоқларини



- кишиларнинг исм ва фамилияларини бош ҳарф билан ёзилишини;
- расм асосида сўзлашни ўргандик.

КИШИЛАРНИНГ ИСМ- ФАМИЛИЯЛАРИНИНГ БОШ ҲАРФ БИЛАН ЁЗИЛИШИ



1. Ўқиймиз.

Матнни ўқинг. Мазмунини сўзланг. Сарлавҳа топинг.

Ҳар бир одам ўз саломатлигига эътиборли бўлиши керак. Ҳар куни бўйин ва қўлларни ювиш лозим. Тишларни чўткада тиш пастаси билан ювиш керак. Тоза ҳаводан нафас олиш лозим. Ўринларингизни тоза тутиб, хонани шамоллатишингиз зарур. Вақтида меҳнат қилиб, вақтида дам олишни билиш керак. Бу саломатлик учун жуда муҳимдир.

Матндан ким? нима? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни топиб айтинг.



2. Ёзамиз.

Расмларни кўриб чиқиб, болаларга исм қўйинг. Саволларга жавоб беринг.

Ким тишини ювяпти?



..... тишини ювяпти.

Ким бадантарбия қиляпти?



..... бадантарбия қиляпти.

Кимлар чўмиляптилар?



..... чўмиляптилар.

Нуқталар ўрнига болалар исмларини қўйиб жавобингизни ёзинг.



3. Ўйланг, қиз болаларнинг исмларини ҳосил қилиш учун қайси ҳарфни қўйиш керак?

К	о	м	и	л	
Н	о	д	и	р	
К	а	р	и	м	
С	а	л	и	м	

Ҳосил бўлган исмларни ўқинг.



4. Аниқлаймиз.

Матнни ўқинг. Гапларнинг чегарасини аниқланг. Нечта гап ўқидингиз?

Марат билан Ойгул копток ўйнашарди копток ўтлар орасига тушиб кетди болалар уни изладилар коптокни Марат топди.

Гапларнинг охирига нуқта қўйиб кўчиринг. Текширинг. Болаларнинг исмларини билдирган сўзлар тагига чизинг.



5. Сўзлаймиз.



Мақолни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг.

Ақл бошдан,
Одоб ёшдан.




6. Ўйлаймиз.

Расмга қаранг. Вагонларда қайси ҳарфлар жойлашган. Шу ҳарфлар билан бошланадиган, дўстларингизнинг фамилияларини айтинг.



эътиборли



-кишиларнинг исм ва фамилияларини бош ҳарф билан ёзишни;
- гапларнинг чегарасини аниқлашни ўргандик.



1. Ўқиймиз.

Баҳром Нур-Султонга спорт мусобақасига бориб, кўп дўстлар орттирди. Уларнинг исмларини ўқинг. Аввал ўғил болаларнинг, сўнг қиз болаларнинг исмларини ёзинг.



Қайрат, Ойгул, Владимир, Александр,
Светлана, Шухрат, Даврон, Нилуфар.



2. Ёзамиз.

Мазмунга мос сўзларни қўйиб гапларни кўчиринг.

..... чанғида учди.
..... тўпни тутиб олди.
..... маррага биринчи келди.

Қўйиш учун сўзлар: чанғичи Комил Аъзамов,
дарвозабон Равшан Комилов, сузувчи Галина
Алексеевна.



3. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Болаларнинг исмларини аниқланг.
Ёзилишига эътибор беринг.

Қиш

Шудгор узра увиллар
Аёз бобо бўрони.
Оқ чойшабга ўраниб.
Меҳмон бўлди қиш фасли
Бундан буён кўча-куйда
Пийма, этик ғарчиллар.
Тиним бермас чаналарга
Шокир, Раъно, Барчинлар.

Турсунбой Адашбоев



4. Аниқлаймиз.

Синфингиздаги ўғил болалар исмини алфавит тартибида ёзинг.

Намуна: Алижон, Бахтиёр, ... ,



5. Аниқлаймиз.

Бўғинларни тўғри жойлаштириб ўқисангиз ўғил болаларнинг исмларини ўқийсиз. Уларни топиб ўқинг.

бек

Ҳа

Дил

ЖОН



шод

ёт



5. Аниқлаймиз.

Расмларга қаранг. Бу қайси эртақдан олинган?
Эртақ қаҳрамонларининг номларини айтинг.
Эртақни сўзлаб беринг.



ТОЗАЛИККА РИОЯ ҚИЛАМАН



1. Сўзлаймиз.

Расмларга қаранг. Болаларга исм қўйинг. Гаплар тузинг.



2. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Мазмунини сўзланг.

Ким? сўроғига жавоб бўлган сўзларни аниқланг.

Дастёр қиз

Ота эрталаб турар,
Жажжи Дилдорни кўрар.
Оёқ кийимларни ёлғиз
Тозалабди дастёр қиз.

Шукур Саъдулла



3. Ўқиймиз, сўзлаймиз.

Матнни ўқинг. Матн асосида синфингиз ҳақида сўзланг.

Бизнинг синфимизда

Одил Олимов ва Раҳима Саъдуллаева гулларга сув қуйяпти. Нодира Аббосова ва Шавкат Каримов балиқларга овқат берапти. Маъмура Салимова озодаликни текширяпти.



4. Ёзамиз.

Сўзлардан гап тузинг ва ёзинг.

1. Биз, шеърларини, ўқиймиз, севиб, Қуддус Муҳаммадийнинг.
2. Ҳикоясини, Ибрай Алтинсариннинг, Алишер, ўқиди, “Ота билан бола”.
3. Анвара Валиева, ва, кўрдилар, Раъно Абдуллаева, мультфильмни, ҳақидаги, Алдар Кўса.





5. Тез айтишни ўқинг.

Салим сочиққа сочини артди.



6. Сўзлаймиз.


Матнни ўқинг. мазмунини сўзланг.

Доно

Бу менинг синглим Доно. Унинг сочлари қопқора, силлиқ таралган. Дононинг тишлари чиройли, оппоқ. У ҳар куни тишларини ювади. Доно тозаликка риоя қилади.



Сиз ҳам тозаликка риоя қиласизми?



ҲАЙВОНЛАРГА ҚЎЙИЛГАН НОМЛАРНИНГ БОШ ҲАРФ БИЛАН ЁЗИЛИШИ



1. Сўзлаймиз.

Шеърни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг.

Олапар ва Бароқ

Биримиз ит бўламиз,
Биримиз мушук – Бароқ.
Неча йилки, бир уйда
Яшаймиз аҳил-иноқ.



Ажратиб берилган сўзларнинг ёзилишига эътибор беринг.



2. Ёзамиз.

Ўқинг. Ҳайвонларга қўйилган номларни кўчириб ёзинг.

Уй ҳайвонлари: от, сигир, мушук

Ҳайвонларга қўйилган номлар: Ғиркўк, Бойчибор,
Қашқа, Малла, Момик, Мош, Зийрак, Барбос,
Тарғил.

От –

Сигир –

Мушук –



3. Сўзлаймиз.

Расмларга қаранг. Ҳайвонларнинг номларини ўқинг. Ҳар бир ҳайвонга хос қандай? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни топиб ҳайвонларни таърифланг.



Қашқа



Малла



Зийрак

Билиб олинг!

*Ҳайвонларга қўйилган номлар
бош ҳарф билан ёзилади:
Ғиркўк, Мош, Тарғил.*



4. Ёзамиз.

Ўқинг. Маттни кўчириб ёзинг.



Раҳиманинг Попук номли мушуғи бор. Попукнинг учта чиройли боласи бор. Раҳима уларга Қорамош, Малла, Митти деб ном қўйган. Мушукчалар доим бирга юришади.



5. Тез айтамыз.

Сайёра сабзини саватга солди.

Олма шохида олмахон,
Олмахонни олма, Олмахон.



ҲАЙВОНЛАРГА ҚЎЙИЛГАН НОМЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ



1. Сўзлаймиз.

Ўқинг. Ҳайвонга қўйилган номни билдирган сўзни аниқланг.

Тўрткўз

Бир куни Шокир ота қўшни қишлоқдан кучук боласини олиб келди. Уни ўғли Шухратжонга совға қилди.

Кучукча юм-юмалоқ ва жуда шўх эди. Шухратжон унга Тўрткўз деб ном қўйди.

Тўрткўз яхши ўсяпти. У Шухратжонга жуда ўрганган. Тўрткўз номини эшитса, чопиб келадиган бўлди.

Саволларга жавоб беринг ва ёзинг.

1. Шокир ота нимани олиб келдилар?
2. Ким кучукчага қандай ном қўйди?
3. Тўрткўз қандай кучук?



2. Аниқлаймиз.

Расмда берилган мультфильм қаҳрамонларининг номларини топинг. Уларни таърифлаб беринг. Улар қандай образлар ҳисобланадилар?





3. Ёзамиз.

Чизиқлар ўрнига ҳайвонларга қўйилган номни билдирган сўзлардан мосини қўйиб, гапларни кўчириг.

Ўктамнинг ити _____ қаттиқ вовуллайди (Бойчибор).

Синглимнинг мушуги _____ эркаланиб миёвлайди. (Тарзан).

Акам отига _____ деб ном қўйган (Момиқ).




4. Тинглаймиз.

Този

Менинг дадам Қўшқўрғон қишлоғидан чиройли кучукча олиб келдилар. Отини Този деб атадим. Този бирам тоза, бирам ақлли. У мен ясаб берган уйчасининг олдини думи билан супуради. Овқатни еб бўлгач, идишни тумшуғи билан нари суриб қўяди. Този жуда сезгир эди.

Бир куни китоб ўқиб ўтирган эдим. Този тамбаланган кўча эшигини олдинги оёқлари билан очишга уринди. Нима қиларкин деб ҳайрон бўлиб турган эдим, эшик тақиллаб қолди. Югуриб бориб эшикни очдим. Қарасам, ташқарида оғир юк билан дадам турибдилар. Мен дадамга Тозининг ажабтовур қилиғини сўзлаб бердим. Шунда дадам баъзи ҳайвонлар жуда сезгир бўлишини, Тозининг ҳам зотли итлардан эканини айтдилар.

Тозининг озода ва сезгирлиги ҳақида сўзлаб беринг.




5. Ўйлаймиз.

Нуқталар ўрнига фойдаланиш учун берилган сўзларнинг мосини қўйиб ўқинг.

Зокирнинг ... бор. Номи Олапар. Олапар ... ит.
Аҳмад ҳовлига чиқди. Бароқ ... олдига келди.

Фойдаланиш учун сўзлар: ити, мушуги, зийрак.





1. Ўқиймиз.
Шеърни ўқинг.

Тойчоқ

Тойчоғим бор – учқур от
Қуралай кўз – тулпор зот.
Эгар – жабдуқ ураман,
Миниб, олға сураман.
Ўзи ёғоч, ёли қил,
Овунчоғим олға ел!

Шукур Саъдулла

1. Шеър нима ҳақида?
2. Тойчоққа қандай ном бериш мумкин?



2. Сўзлаймиз.
Расмга қаранг. Қандай спорт ўйини тасвирланган?
Бу ўйин ҳақида билганларингизни сўзлаб беринг.





3. Ёзамиз.

Ўқинг. Ким? нима? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни аниқланг.

Матлубанинг уйида Йўлбарс номли ити, Зийрак, Қорамош номли мушуги бор. Матлуба уларга жуда меҳрибон.

Даврон эса от боқишга қизиқади. Бўш қолди дегунча бувасининг Қорабайир, Бойчибор номли отлари ёнига югуради. Отларни чўмилтиради, уларга ем беради. Бу ишлар у учун жуда завқли.



Кўчиринг. Ҳайвонларга қўйилган номни билдирган сўзларнинг тагига чизинг.



4. Ўқиймиз.

Омон билан Озода ака-сингил. Омоннинг зийрак ити бор. Унга Олапар деб ном қўйган. Синглисининг Попук деган мушуги бор. Попук билан Олапар бирига жуда ўрганишган.

Бош ҳарф билан ёзилган сўзларни аниқланг. Улар нима учун бош ҳарф билан ёзилганини тушунтиринг.



5. Мақолларни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.

- От – йигитнинг қаноти.
- Итни қопмайди,
Отни тепмайди, деб бўлмайди.
- Яхши отга бир қамчи,
Ёмон отга минг қамчи.
- От изини той босар.



6. Ўйлаймиз, ёзамиз.

Берилган сўзлардан гаплар тузиб ёзинг.

Самир

Синглим

Бобом

Бойчиборни


Олапарни

Қорақошни

ювинтирди.

минди.

чақирди.



ҲАЙВОНЛАРГА ҚЎЙИЛГАН НОМЛАР



1. Сўзлаймиз.

Расмларга қаранг. Итларга қўйилган ҳайкаллар билан танишинг.



Хатико

Бобби

Лайка

Уларнинг бирортаси ҳақида маълумот тўпланг ва ўртоқларингиз билан муҳокама қилинг.



2. Ёзамиз.

Ўқинг ҳайвонларга қўйилган номни билдирган сўзларни аниқланг.

Цирк майдони. Қизиқчи ити Қоплон, мушуги Қорамош, маймуни Чита билан чиқди. Улар кетидан аравачага қўшилган айиғи Маймоқ югуриб келди. Қоплон, Қорамош, Чита аравачага ўтириб олишди. Томошабинлар уларни олқишлашди.

Ҳайвонлар номини уларга қўйилган ном билан ёнма-ён кўчиринг.

Намуна: Ит – Қоплон,



3. Аниқлаймиз.

Расмларга қаранг. Қайси ҳайвон спортнинг қандай тури билан шуғулланишини айтинг.





4. Ўқиймиз.


Матнни ўқинг, мазмунини сўзлаб беринг.

Қаҳрамон итлар

Улуғ Ватан урушида жангчилар билан бирга итлар ҳам курашганлар. Улар душман танкларини портлатишда, жанг майдонидан ярадорларни олиб чиқишда, миналарни излашда, қоровулликда, махсус ҳужжатларни манзилга етказишда катта жасорат кўрсатишган. Уруш даврида 70000га яқин итлар кўплаган солдатлар ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам берган. Тўрт оёқли қўрқмас жангчи итлар хотирасига ҳайкаллар ўрнатилган.



Матн мазмунига мос расм чизинг.





Дарс

УРФ – ОДАТЛАР ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ШАҲАР, ҚИШЛОҚ, КЎЧА, ДАРЁ НОМЛАРИНИНГ БОШ ҲАРФ БИЛАН ЁЗИЛИШИ



1. Суҳбатлашамиз.

Матни ўқинг. Жой номларини билдирган сўзларни топинг.

Қозоғистон – улкан мамлакат. Қозоғистонда ўн тўртта вилоят бор. Йирик шаҳарлари – Алмати, Нур-Султон, Қарағанда, Шимкент, Кўкшетов, Талдиқўрғон, Семей, Қўстанай, Павлодар, Ақтўбе, Тароз, Қизилўрда, Ўскемен, Оқтов. Булар – чиройли шаҳарлар.

Иртиш, Или, Сирдарё каби дарёлари бор.

Жой номини билдирган сўзларни ёзинг.



2. Аниқлаймиз.

Расмга қаранг, жой номини айтинг.



Билиб олинг!

*Шаҳар, қишлоқ, кўча, дарёга қўйилган
номлар бош ҳарф билан ёзилади.*



3. Ёзамиз.

Гапларни қавс ичида берилган сўзлардан мосини танлаб ёзинг.

Мен шаҳарда (қишлоқда) яшайман. Бизнинг қишлоғимиз (шаҳримиз) катта (кичик).

Шаҳарда (қишлоқда) стадион, кинотеатр, цирк бор. Бизнинг шаҳарнинг (қишлоқнинг) номи



4. Мақолни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.



Она юртим – олтин бешигим.



5. Ўқиймиз.

Севара Талдиқўрғондаги дугонасига хат ёзди. Хатни ўқинг. Жой номларини билдирган сўзларни топиб айтинг.

Мен Туркистон вилоятида яшайман. Бизнинг вилоятимиз жуда катта. Вилоят маркази – Туркистон шаҳри. Туркистон гўзал ва катта шаҳар. Шаҳарда заводлар, фабрикалар, фирмалар ишлайди. Бизнинг шаҳримизда университетлар, институтлар, мактаблар, савдо марказлари, истироҳат боғлари, ошхоналар жуда кўп. Мен ўз шаҳримни яхши кўраман.



ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ ЎЗИЛИШИ



1. Ёзамиз.

Шеърни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Номинг қутлуғ, азал Сайрам!
Битай сенга ғазал, Сайрам.
Сен – Маккаю Мадинамсан,
Она юртим, гўзал Сайрам!

Мирпўлат Мирзо

Жой номини билдирган сўзлар тагига чизинг.



2. Ўқиймиз.

Матнни ўқинг. Матн ким ҳақида?

Қишлоқда

Бобом иккимиз ҳориб-чарчаб, туш пайтида қишлоққа етиб келдик. Роса бир йилдан бери кўрмай, соғиниб қолгандим қишлоқни, кўришим биланоқ барча чарчоқларим ёзилиб кетди. Бултур ёзги таътил пайтида бобом қишлоққа олиб келгандилар. Қишлоққа меҳрим ортганди. Бу йил қишлоққа етгунча ошиқдим. Тоғ ёнбағрида жойлашгани учун ҳавоси тоза, сувлари тиниқ, ҳатто юлдузлари ҳам ўзгача чарақлайди, одамлари ҳам ўзгача самимий. Бунинг устига қишлоқда дўстларим кўп. Уларни ҳурмат қиламан.

Улар билан турли ўйинлар ўйнаймиз. Дўстларим менга жуда қизиқ ўйинлар ўргатишган.

Матндан ким? нима? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни аниқланг.



3. Ёзамиз.

Ўқинг. Аввал қишлоқ кейин тоғ номларини ёзинг.

Олатов, Манкент, Қоратов, Қорамурт, Тянь-Шань, Карпат, Қорабулоқ, Олтой, Қизилқишлоқ, Урал.

Намуна: Қишлоқ номлари: Манкент...



4. Ўйнаймиз.

Бу – Назмина. У дугоналари билан “Тўртта бурчак” ўйинини ўйнапти. Ўйин қоидаси билан танишинг.


Хонанинг тўртта бурчагида тўрт бола туради. Бешинчиси “мушук” дейлиб, ўртада туради. Бурчакдагилар жойларини алмаштирадилар. Шу пайт “мушук” бирорта бурчакни эгаллаб олишга ҳаракат қилади. Бурчакни қўлдан берган бола “мушук” бўлиб ўртага тушади.



Бу ўйинни сиз дўстларингиз билан ўйнанг.



ОШИҚДИМ
САМИИЙ



ҚИШЛОҚ ВА ТОҒЛАР
НОМИНИ ЁЗИШНИ;
БОЛАЛАР БИЛАН БИРГА-
ЛИКДА ЎЙИН ЎЙНАШНИ
ЎРГАНДИК.

ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ ЎЗИЛИШИ



1. Ўқиймиз.

Шеърни ролларга бўлиб ўқинг. Жой номларини билдирган сўзларни аниқланг.

Биз дўстмиз.

1-бола: – Дўстларимиз шодлиги.

2-бола: Тинчлик, саломатлиги.

3-бола: Бу – жаҳон ободлиги!

1-бола: – Биз дўстлик тарафдори.

2-бола: – Ва тенглик тарафдори.

3-бола: – Ҳам тинчлик тарафдори!

(шу пайт сахнага бир неча болалар чиқади)

Ҳаммаси: – Салом!

Меҳмонлар – Ассалом!

(меҳмонлар ўзларини таништирадilar)



- Бизлар Америкадан
- Бизлар Коста-Рикадан
- Биз Деҳли – Ҳиндистондан
- Биз Қобулдан....
- Биз Лондондан....
- Ҳамма: Уйимиз жаҳон бизнинг
Софдил ўғил ва қизнинг.

1-бола: Бўлса ҳам тиллар ҳар хил, дил
яқин.

Меҳмонлар: – Яқин кўнгил!
Ҳамма: Битта қуёш, ойимиз
Бир ер шари жойимиз.
Ранглар сариқ, қора, оқ.
Барчамиз аҳил, иноқ!

Йўлдош Султанов

Шеър мазмунини сўзлаб беринг.



2. Ёзамиз.
Ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Мактабимиз ўқувчилари Алмати, Нур-Султон,
Оқтўбе, Павлодар, Рига, Москва шаҳарларида
ўтказилган спорт мусобақаларида қатнашишган.

Энди Сингапурда ўтадиган халқаро мусобақага
тайёргарлик кўришмоқда.

Жой номларини билдирган сўзларнинг тагига
чизинг.



3. Ұйлаймиз, аниқлаймиз.

Ўқинг. Жой номларини билдирган сўзларни аниқланг.

Талас Олатоғининг этагида Оқсув-Жабағли қўриқхонаси жойлашган. Қўриқхонада жониворлар, қушлар, гиёҳлар ва гулларнинг ноёб турлари қўриқланади. Алмати вилоятининг Кербулоқ ҳудудида “Олтинемел” миллий хиёбони очилган. У Или дарёсининг шимолида жойлашган. Унинг майдонига Катта Қалқон ва Кичик Қалқон тоғ тизмалари ҳам киради.



Жой номларини намунадагидек ёзинг.

Намуна: Оқсув-Жабағли қўриқхонаси, ...

Коста-Рика
Қобул
Сингапур

шеърни ролларга
бўлиб ўқишни
матндан жой ном-
ларини билдирган
сўзларни аниқлашни
ўргандик.



Дарс

ДАРЁ ВА КЎЛЛАР НОМИНИ БИЛДИРГАН СЎЗЛАР



1. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Шеър нима ҳақида?

Дарёларнинг шовуллаши

Кўнглимизни куйлатади,
Ширин-ширин ўйлатади.
Лолаларни ўйнатади,
Дарёларнинг шовуллаши.
Янграб узоқ-узоқларга
Эшитилар қулоқларга.
Куйлаб берар ўтлоқларга
Дарёларнинг шовуллаши.

Олқор Дамин

Ажратиб берилган сўзларга сўроқ беринг.



2. Ёзамиз.

Ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Сирдарё Қозоғистондаги Иртиш дарёсидан кейинги энг катта дарё ҳисобланади. Олакўл кўлида турли-туман балиқлар бор. Или дарёсида Қопчиғай сув омбори қурилган. Сув мўл йиллари Орол денгизига Сирдарё ва Амударё кўп сув қуярди. Оролдан кейинги йирик кўл – Балхаш.

Дарё ва кўллар номини билдирган сўзлар тагига чизинг.



3. Ўйлаймиз.
Гапларни ўқинг.

Мен Шимкент шаҳрининг Абай кўчасида тураман. Менинг отам Султанов Акбар. Онам Шавкатова Мухлиса. Бувим Парпиева Назира Сайрамда яшайди.

Қуйидаги намунага қараб, ўзингиз ҳақингизда ёзинг.

Намуна: Менинг исмим – ... Мен ... шаҳрида (қишлоғида), ... кўчасида тураман. Онамнинг исми – ..., отамнинг исми –



4. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Ўзга юртда шоҳ бўлгунча,
Ўз юртингда гадо бўл.

Айрилганни айиқ ер,
Бўлинганни бўри ер.



5. Ёзамиз.



Шеърни ўқинг ёддан ёзинг

Ер дунёда ягона,
Ҳамма одамга она.
Кийдирган ҳам она ер,
Едирган ҳам она ер.

Қамбар Ўтаев



6. Расмлардаги нарсаларнинг биринчи ҳарфлари ёрдамида сўзлар тузинг. Қандай сўзлар ҳосил бўлди?



ШАХС ВА НАРСА ҲАРАКАТИНИ БИЛДИРГАН СЎЗЛАР



1. Ўқиймиз. Матнни ўқинг.

Дастёр

Мутал мактабдан келди. Қараса, онаси хамир қоряпти. Мутал тезда кийимини алмаштирди. Томдан ўтин олиб тушди. Тандирга ўт ёқди. Тандир қизиди. Онаси кулча нон ёпди. Мана энди иссиқ нондан иккитасини бобосига олиб боради. Мутал иссиқ нон билан чой ичади.

Қуйидаги сўроқларга жавоб бўлган сўзларни ёзинг.

Нима қилди? ,
Нима қиляпти? ,
Нима қилади?

Билиб олинг!

*Нима қилди?, нима қиляпти?
нима қилади? сўроқларига жавоб
бўлган сўзлар шахс ва нарсанинг
ҳаракатини билдиради:
чизди, чизяпти, чизади.*



2. Расмларга қаранг. Болаларга исм қўйинг, уларнинг ҳаракатини билдирган сўзлар иштирокида гаплар тузиб ёзинг.





3. Ўқиймиз.
Шеърни ўқинг.

Ёмғир ёғалоқ

Шивир-шивир шивирлаб
Ёмғир ёғди шитирлаб
Бўғотларга беркинди,
Шўх чумчуқлар питирлаб.
Ёмғир қуйди пақирлаб,
Чучвараси вақирлаб.
Булутнинг кўз ёшига
Чўмилмоқда тоғ, қирлар.



Нима қилди? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни аниқланг.



4. Нуқталар ўрнига фойдаланиш учун берилган, ҳаракатни билдирган сўзларнинг мосини қўйиб шеърни ўқинг.

... қушча,
... қушча.
Қўшиқлар айтиб,
... қушча.

Фойдаланиш учун сўзлар: учади, ўйнайди, сайрайди.





1. Ўқиймиз.
Матнни ўқинг.

Ҳунар

Хуршид ҳунар мактабида ўқийди. Бу мактабда ўқиш билан бирга ҳунар ўргатилади. Хуршид тез кунда ёғочдан буюмлар ясашни ўрганиб олди. У ясаган буюмлар кўрғазмага қўйилди. Кўрғазмага йиғилганлар Хуршиднинг ясаган қутичаларини завқ билан томоша қилишди. Кўрғазмада Хуршид биринчи ўринни олди.

Ҳаракатни билдирган сўзларни кўчириб ёзинг ва тагига иккита чизиқ чизинг.





2. Суҳбатлашамиз.

Расмларга қаранг. Ҳаракатни билдирган сўзлар иштирокида гаплар тузинг.



3. Мақолни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.

Ҳунар, ҳунардан ризқинг унар.

Ғайрати бор кишининг

Унуми бор ишининг.



4. Ұйлаймиз.

Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Лой бўлиб суюлади,
Қолипда қўйилади.
Хирмон-печда пишади,
Машинага тушади,
Қурилишга кетади.

Топишмоқни топишда сизга қайси сўзлар ёрдам берди?
Бу сўзлар нимани билдиради? Улар қандай сўроққа
жавоб бўлади?

Ҳаракатни билдирган сўзларни кўчиринг.

Нима қилади? суюлади, ...



5. Аниқлаймиз.

Қасбларга мос ҳаракатни билдирган сўзларни
ёзинг.

Тикувчи ...


Сузувчи ...

Қурувчи ...


Сотувчи ...

Учувчи ...

Фойдаланиш учун сўзлар: учади, сотади, қуради,
сузади, тикади.



ризқ
унум



- расм асосида гаплар
тузишни;
- матндан ҳаракатни
билдирган сўзларни
топишни ўргандик.

ШАХС ВА НАРСА ҲАРАКАТИНИ БИЛДИРГАН СЎЗЛАРНИНГ БИРЛИҚДА ВА КЎПЛИҚДА ҚЎЛЛАНИШИ



1. Сўзлаймиз.



Нима қияпти?

Нима қияптилар?

1. Биринчи расмда ҳаракатни неча киши бажаряпти? Иккинчи расмда-чи?
2. Ҳаракатни билдирган сўзлар қандай сўроқларга жавоб бўляпти?

Билиб олинг!

Бир шахс бажарган ҳаракатни билдирган сўз нима қилди? нима қияпти? нима қилади? сўроқларига жавоб бўлади.

Агар сўз бирдан ортиқ шахслар бажарган ҳаракатни билдирса, нима қилдилар? нима қияптилар? нима қиладилар? сўроқларига жавоб бўлади.



2. Ўйлаймиз.

Топишмоқларнинг жавобини топинг.

Қишда яхлайди, ёзда эрийди.

С		В
---	--	---

Ёзда кийинади, қишда ечинади

Д					Т
---	--	--	--	--	---

Қаноти йўқ учади, оёғи йўқ чопади.

Ш				Л
---	--	--	--	---

Топишмоқларни кўчириб ёзинг. Нима қилади?
сўроғига жавоб бўлган сўзларнинг тагига иккита
чизиқ чизинг.



3. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг.

Ўз тилим

Қонга кирган сут билан,
Ўзбек тилим ўз тилим.
Ардоқлайман юрт билан,
Ўзбек тилим, ўз тилим.
Кунлар алла тингладим,
Тунлар алла тингладим.
Ўзлигимни англадим,
Ўзбек тилим, ўз тилим.

Сафо Очил

Сиз она тилидан бошқа яна қандай тилларни биласиз?



4. Ёзамиз.

Мазмунларга мос ҳаракатни давом эттиринг ва уларни ёзинг.

Ўқувчи нима қилади? Ўқийди,

Ўқувчилар нима қиладилар? Ўқийдилар,



5. Ёзамиз.

Сўзларни ўқинг. Уларни икки устунга ажратиб ёзинг. Нимани сездингиз?


Ёзди, сўрадилар, югурдилар, ўқиди, тинглади, чиздилар, сўзлади, ўтқаздилар.



6. Ўқиймиз.

Нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган ҳарфларни қўйиб мақолни ўқинг.

Ўйнаб г...пирсанг ҳам, ...йлаб гап...р.



ҲАРАКАТНИ БИЛДИРГАН СЎЗЛАР



1. Ўқиймиз.
Матнни ўқинг.

Ер табиатнинг уч фаслида хайрли меҳнат қилади. Қиш кунларида мириқиб дам олади. Қор ва ёмғир намларини йиғади, келгуси йил ҳосили учун асрайди. Ўзига куч тўплайди. Баҳор келиши билан инсонга ўз бағрини очади. Сахийлик билан меҳрини сочади.


Яйра Саздуллаева

Ҳаракатни билдириб, нима қилади? сўроғига жавоб бўлган сўзларни топинг.



2. Ёзамиз.
Шеърни ўқинг. Шеър нима ҳақида?

Ўзиб кетди варрагим



Учганида варрагим
Завққа тўлар юрагим.
Кенг осмонда елкандай
Сузиб кетди варрагим.
Роса учди осмонда,
Лекин қолдим армонда:
Кучли шамол турганда
Узиб кетди варрагим.

Пўлат Мўмин

Ҳаракатни билдирган сўзларни топинг. Сўроқ беринг ва кўчириб ёзинг.



3. Аниқлаймиз.

Расмларга қаранг. Ҳаракатни билдирган сўзларни қатнаштириб гаплар тузинг.



Сиз ҳам варрак учира оласизми? Ота-онангиз билан биргаликда варрак ясаб кўринг.

4. Тез айтамыз.

Ўқинг.

Адҳам Раҳматга шахмат бердими?
Раҳмат Адҳамга шахмат бердими?



5. Ёзамиз.

Ўқинг. Тушириб қолдирилган ҳарфларни ўрнига қўйиб, шеърни кўчиринг.

Сойлар тўли... оқади,
Боғлар кули... боқади.
Бизга жуд.... ёқади,
Чаманзор ҳар ёқ.

Анвар Бўрибоев

Ҳаракатни билдирган сўзларнинг тагига икки чизиқ чизинг.

“Боғлар кулиб боқади” гапини қандай тушунасиз?



хайрли
сахий

Ҳаракатни билдирган
сўзларни сўроқ бериб
аниқлашни; тасвир-
ловчи сўзлар маъно-
сини; шеър мазмунини
сўзлашни ўргандик.

ШАХС ВА НАРСА БЕЛГИСИНИ БИЛДИРГАН СЎЗЛАР



1. Ўқиймиз. Матнни ўқинг.

Бу жуда қизиқ

Болалар, олимлар жуда қизиқ изланиш олиб бордилар. Улар ҳайвонларнинг ҳам **нозик** диди борлигини аниқладилар.

Уй ҳайвонларидан сигир **яшил** рангни ёқтирар экан. Уй соҳибининг **яшил** рангли кийими сигир кайфиятини кўтарар экан.

Товуқларга эса **сарик**, **зарғалдоқ** ранг кўпроқ ёқар экан. Балки бу ҳайвонларнинг емишига ҳам боғлиқдир. Чунки сигир кўп пичан, ўтни севиб танаввул қилади. Товуқлар эса **сарик** рангли тарик, буғдой, арпа ва маккажўхорини хуш кўрадилар.

Болалар, сиз ҳам ҳайвонлар ҳаётини кузатинг, балки **қизиқ** нарсаларни билиб оларсиз.

Матндаги ажратиб берилган сўзларни ўқинг, қандай сўроққа жавоб бўлишини аниқланг.

Билиб олинг!


Қандай? қанақа? сўроғизга жавоб бўлган сўзлар шахс ва нарсанинг белгисини билдиради. Масалан: (қанақа?) сершоҳ, баланд, ям-яшил дарахт; (қандай?) баланд гиштли уй.



2. Ёзамиз.

Расмга қаранг. Нималарни кўряпсиз? Саволларга жавоб беринг. Жавобингизни ёзинг.

1. Қандай эчки? Оқ эчки.
2. Қандай от?
3. Қандай хўроз?
4. Қандай жўжа?



3. Аниқлаймиз, ёзамиз.

Нуқталар ўрнига белгини билдирган сўзлардан мосини қўйиб гапларни ўқинг ва ёзинг.

Стол устида ... чойнак турибди. Мактабимиз ...
ва Опам ... , ... шарлар олиб келди.



4. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Шеър нима ҳақида?

Лайлак

Ажойиб қушдир лайлак
Ноғора чалар так-так.
Думи гўзал бир тутам,
Қизиқдир юриши ҳам.

Оёғи узун-узун,
Ҳар ёнга тикар кўзин.
Емиши – илон-бақа.

Қуддус Муҳаммадий

Нарса белгисини билдирган сўзларни аниқланг.



5. Аниқлаймиз.

Расмларга қаранг. Сўроқлар ёрдамида меваларнинг рангини, мазасини билдирган сўзларни айтинг.



6. Аниқлаймиз.

Топишмоқнинг жавобини топинг. Белгини билдирган сўзларни аниқланг.

Шакар каби оқ, майда,
Аммо таъми ширинмас.
Ўйла, ҳеч вақт, ҳеч қайда
Усиз овқат қилинмас.



уй соҳиби
зарғалдоқ

– шахс ва нарса белгисини билдирган сўзларни аниқлашни;
– саволларга жавоб ёзишни ўргандик.



1. Ўйлаймиз.

Вали дўстларига топишмоқ айтди. Топишмоқни ўқинг. Нарсанинг белгисига қараб топишмоқнинг жавобини топинг.

Усти йўл-йўл, сариқ, кўк,
Беқасамга ўхшайди.
Ширинлиги тил ёрар.
Ҳиди ўткир, бўйи паст.

ҳ							к
---	--	--	--	--	--	--	---

Топишмоқ ҳандалак ҳақида эканлигини қайси сўзлар орқали билдингиз? Топишмоқни кўчиринг. Ҳандалакнинг белгисини билдирган сўзлар тагига тўлқинли чизиқ чизинг.



2. Ёзамиз.

Ўқинг ва қайси ҳайвон (нима) ҳақида ёзилганлигини аниқланг.

Унинг қулоғи узун, думи калта. Териси ёзда кулранг, қишда оқ. Бу ҳайвоннинг гавдаси улкан. Қулоқлари япалоқ, думи калта, хартуми узун.

Ҳайвоннинг белгисини билдирган сўзларни ёзинг.
Қандай?
Қанақа?



3. Ұқиймиз.
Ёддан ёзишга тайёрланинг.

Қуён

Оқ қуён, оппоқ қуён,
Қарайди у ён, бу ён.
Дикир-дикир сакрайди,
Уйчасида ўйнайди.



Ёддан ёзинг. Қуён ҳаракатларини дўстларингиз билан биргаликда кўрсатиб беринг.



4. Биргаликда ўйнаймиз!

Бу Салима.

У дўстларига “Қуён киролмади” номли ўйинни ўргатди. Сиз ҳам бу ўйинни дўстларингиз билан ўйнаб кўринг.



Ўйинда ўттиз битта бола қатнашади. Улардан йигирматаси иккитадан бўлиб қўл ушлашиб, дав-ра шаклида ин бўлиб туради. Қолган ўн битта бола давранинг ичига киради. Ҳакам ҳуштак чалади. Ҳакам ўйинчилар сафига қўшилмайди. Болалар ҳуштак чалиниши билан инларига кирадилар, инга кира олмаган қуён ашула айтади ёки ўйнаб беради.



5. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Ўктам кўм-кўк кўркам кўклам расмини кўм-кўк далада чизди.

Қанақа? Сўроғига жавоб бўлган сўзларни аниқланг.



6. Расмга қаранг. Болалар қандай ўйин ўйнаптилар? Сиз ҳам дўстларингиз билан ўйнанг.



СЎЗ ТУРКУМЛАРИНИ АНИҚЛАЙМИЗ



1. Ўқиймиз.

Сумалак

(қўшиқ)

Сумалакжон, сумалак,
Мен сенга жоним ҳалак.
Сумалак – қадим овқат,
Уни пишириб бериш
Анъанавий бир одат.

1. Қандай? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни аниқланг.
2. Сумалак қандай таом?
3. У нимадан тайёрланади?



2. Ёзамиз.

Берилган сўзлардан гап тузинг ва ёзинг.

Келтирди, отам, балиқчалар, кўк, чипор, қора, қизил.

Аквариумга, солдик, балиқчаларни, биз.
Сузишди, балиқчалар, ўтлар, ям-яшил, орасида.

Шахс ва нарса номини билдирган сўзларнинг тагига битта тўғри чизиқ, унинг белгисини билдирган сўзларнинг тагига тўлқинли, ҳаракатини билдирган сўзларнинг тагига иккита тўғри чизиқ чизинг: Майин шамол эсади.



3. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Майда, ёқутдай қизил,
Ширин, нордон, хилма-хил.
Қалин, тахир пўсти бор.
Ҳамма ерда дўсти бор.
Сен айт-чи, қизим Гулнор
Буми, дадажон

Ғафур Ғулом

Сизга топишмоқнинг жавобини топишингизда қайси сўзлар ёрдам берди? Шу сўзлар нимани билдиради?




4. Ўйлаймиз.

Мазмунига мос сўзларни қўйиб, ҳайвонларни тасвирланг ва ёзинг.

(Қандай?) Кичкина, чаққон, малла олмахон.

(Қандай?) қўзичоқ. (Қандай?) айиқ.

(Қанақа?) тулки. (Қанақа?) бегемот.






1. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Шеър нима ҳақида?

Светофор

Учта чақноқ кўзим бор:
Қизил, яшил, сап-сарик.
Яшил кўзим чақнаса,
Демак, билки, йўл очиқ.
Қизил кўзим чақнаса,
Йўл бекилар таппа-тақ.
Сарик кўзим чақнаса,
Бироз кутгин ҳамма вақт.



Муҳаммаджон Қўшоқов

1. Кўчиринг. Текширинг.

2. Қандай? сўроғига жавоб бўлган сўзларнинг тагига чизинг. Улар нимани билдиради?



2. Ёзамиз.

Икки предметни бир-бирига қиёслаб гаплар тузинг ва ёзинг.

Рангига кўра: Кўмир (қандай?) қора, бўр эса (қандай?) ...

Мазасига кўра: Гармдори (қандай?) аччиқ, қанд эса (қандай?) ...

Шаклига кўра: Қарға (қандай?) катта, чумчуқ эса (қандай?) ...

Ҳар қайси гапдаги нарсанинг белгисини билдирган сўзларнинг тагига чизинг. Булар қарама-қарши маъноли сўзлар. Шундай сўзларга мисоллар келтиринг.


Билиб олинг!

Шах ва нарсанинг белгисини билдирган сўзлар орасида қарама-қарши маъноли сўзлар ҳам бор: ёзда иссиқ, қишда совуқ бўлади.



3. Сўзлаймиз.

Расмга қараб гаплар тузинг. Йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаётган болаларни кўрсатинг.



Гапдаги белгини билдирган сўзларни аниқланг.



4. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Икки айиқ қайиққа қаради, оқ айиқ олдин қарадими, қора айиқ олдин қарадими?





5. Сўзлаймиз.

Расмда берилган йўл белгилари нималарни билдиради? Дўстингиз билан суҳбатлашинг.



6. Ҳйлаймиз.

Юмшоқ, узун, ширин сўзларига қарама-қарши маъноли сўзлар топинг.





1. Ұқиймиз.

Зуккогина сингилчам,
 Ёлғон китоб ұқийди.
 Узуқ-юлуқ сўзлардан
 Гўё эртак тўқийди.
 Эртакчи бувижонлар
 Олса бўлар андоза.
 Эртакларин тинглайди
 Қўғирчоғи Гулноза.



Мунира Муҳиддин.

1. Ажратиб берилган сўзларга сўроқ беринг.
2. Сиз ҳам эртак айта оласизми?
3. Қайси эртакларни биласиз?



2. Ёзамиз.

Берилган сўзлардан фойдаланиб, қуён ва типратикан ҳақида гаплар тузинг.
 Эртак ҳосил бўлсин.

Юмшоқ, сип-силлиқ, хунук,
 тиканли, қуён, типратикан,
 ўрмон, дўст, учрашди,
 дўстлашди.





3. Аниқлаймиз ва ёзамиз.

Тугмачагул, бойчечак,
Қизил, пушти гул, печак.
Оппоқ сирень, гулхайри –
Боғда ўсади бари.
Ёқимли ҳид сочади,
Баҳри дилни очади.

Мушарраф Зайниддинова

Шахс ва нарса номини билдирган сўзлар: нима? ...
Шахс ва нарса ҳаракатини билдирган сўзлар: нима қилади? ...
Шахс ва нарса белгисини билдирган сўзлар: қанақа? ...



4. Мақолларни ўқинг. Белгини билдирган сўзларни аниқланг.

Ўрганиш осон, ўргатиш қийин.
Тўғри одам эгри сўздан ор қилар.



100

Дарс

ШАХС ВА НАРСА САНОҒИНИ БИЛДИРГАН СЎЗЛАР



1. Ўқиймиз.
Санамаларни ўқинг.

Ўн, йигирма,
Ўттиз, қирқ,
Эллик, олтмиш,
Етмиш, саксон,
Тўқсон, юз.
Юзга киргин оппоқ қиз.
Бир, икки, уч, тўрт,
Беш, олти, ... ўн олти
Ўн олти деб ким айтди?
Оппоқ кучукча айтди.



Қанча? сўроғига жавоб бўлган сўзларни аниқланг.
Сиз қандай санамаларни биласиз? Дўстингизга
айтиб беринг.

Билиб олинг!

*Шахс ва нарсанинг саноғини билдирган
сўзлар нечта? қанча? сўроқларига жавоб
бўлади.*

*Шахс ва нарсанинг тартибини билдирган
сўзлар нечанчи? сўроғига жавоб бўлади.*



2. Ёзамиз.

Гапларни ўқинг. Нечанчи? ва қанча? сўроғига жавоб бўлган сўзларни аниқланг.

Аббос ўн бешинчи мактабнинг иккинчи синфида ўқийди. Бу синфда йигирма олти ўқувчи таълим олади. Улардан ўн битта ўқувчи аълочи.

Нечанчи? ва қанча? сўроқларига жавоб бўлган сўзларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчириг.

Намуна: (нечанчи?) ўн бешинчи мактаб, ...



3. Ўқиймиз, ёзамиз.

Шеърни ўқинг, сўроқлар ёрдамида нарса саноғини билдирган сўзларни аниқланг. Кўчириб ёзинг.

Қўш қалдирғоч чуғурлашиб,
Бири инни турди пойлаб.
Иккинчиси дўст-ёрларни
Бошлаб келди парвоз айлаб.

Турсунбой Адашбоев



ШАХС ВА НАРСА САНОҒИНИ БИЛДИРГАН СЎЗЛАР



1. Сўзлаймиз.

Шеърни ўқинг. Шеър кимлар ҳақида?

Бобо ва невара

– Неча ёшдасиз, бобо?
 Ўйланиб туриб, бир зум.
 Бобо бошлайди сўзин:
 Катта бўлибсан кўзим,
 Ҳисоблаб кўр-чи, ўзинг.
 Сен ва аканг ёшидан
 Тўрттасин яшаб бўлдим.
 Энди ўйлаб кўр бироз
 Мен неча ёшга тўлдим?



Акам кирди ўн бирга
Мен эса тўққиз ёшда
Ўйлаб кўрайчи пича
Бобомнинг ёши неча?

Жамила Тожиева

Шеърдаги саноқни билдирган сўзларни топиб сўроқ беринг. Бобонинг ёши нечада экан?



2. Ўйлаймиз.

Сонларни қўшиб ўқиш орқали сўз маъносини чиқаринг.

Биз шоирлар билан (3)рашдик.

Куч (1)ликда.

Ватан ҳақида (4)ликлар ўқидик.



3. Ёзамиз.

Топишмоқни ўқинг ва жавобини топинг.

Қирқ кўйлаги бор,
Бир тугмаси йўқ.



Пак-пакана бўйи бор,
Етти қават тўни бор.



Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг. Улар қандай сўзлар?



4. Ўқиймиз. Матнни ўқинг.



Узум

Бобом узум ҳақида шундай деган эдилар:

– Ток кўчати ўтқазилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради.

Етилган токдан юз килограммгача узум ҳосили олинади.


Бир бош узум саккиз юз грамм бўлиши мумкин. Узумнинг ҳусайни, қирмизка каби навлари уч-тўрт ой бузилмай сақланади.

Қанча? нечанчи? сўроқларига жавоб бўлган сўзларни ўзи боғланган сўзлар билан бирга ёзинг.



5. Аниқлаймиз.

Сонларни сўзлата оласизми? Улар нима дейиши мумкин?





6. Ёзамиз.

Рақамларни сўз билан ёзиб, матнни кўчиринг.

Бир ойда 30 кун. 1 йилда 12 ой, 1 ҳафтада 7 кун бор. Агар мен 1 кунда 10 та қозоқча сўз ўрганиб олсам, 1 ҳафтада 70 та сўз ўрганаман.



7. Сўзлаймиз.

Расмга қаранг. Гаплар тузинг.



ТОК
ҳусайни
қирмизка
нав

- шеър мазмунига мос сўроқларга жавоб беришни;
- нарса саноғини билдирган сўзларни аниқлашни ўргандик.

ШАХС ВА НАРСА САНОҒИНИ БИЛДИРГАН СЎЗЛАР



1. Ёзамиз.

Мақолларни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг.

Етти ўлчаб, бир кес.

Минг сўминг бўлгунча,
Бир дўстинг бўлсин.

Илмсиз бир яшайди
Илмли минг яшайди.

Эгри иш эллик йилдан кейин ҳам билинади.

Кўчиринг. Саноқни билдирган сўзларни белгиланг.



2. Аниқланг.

Шеърни ўқинг. Саноқни билдирган сўзларни аниқланг.

Ўнта қўл эголмас бошни,
Чириллатар юз кило тошни
Йўлини топса эди Тўланбой,
Кўтарарди ўзи қуёшни.

Ёнғин Мирзо



Саноқни билдирган сўзларга сўроқ беринг ва боғланган сўз билан бирга айтинг.



3. Ёзамиз.

Шеърни ўқинг. Саноқни билдирган сўзларни аниқланг.

Қирқ оғайни ботирлар
Қайдан келаётирлар?
Балки қирқ кунлик йўлдан
Елдек елаётирлар.

Бобораҳим Омонов

Саноқни билдирган сўзларга сўроқ беринг ва ўзи боғланган сўз билан бирга ёзинг.



4. Ўқиймиз.

Матнни ўқинг. *Қанча? нечта?* сўроқларига жавоб бўладиган сўзларни аниқланг.

Чумчуқ


Чумчуқ ҳам фойдали қуш. Бир чумчуқ оиласи полапонларини боқиш учун ўн мингта ҳашаротни тутати. Чумчуқлар икки мартаба бола очади.



Демак, улар йигирма минг ҳашарот билан полапонларини боқати. Шундай қилиб, саксон туп олма дарахти зарарли ҳашаротлардан сақланади.



елаётирлар
эгри



мақоллар мазмунини тушунтиришни; чумчуқни фойдали қуш эканлигини; шахс ва нарса саноғини билдирган сўзларни аниқлашни ўргандик.



1. Сўзлаймиз.
Расмларга қаранг.



1. Саволларга жавоб беринг.
2. Сиз қандай миллий кийимларни биласиз?
3. Уларни қачон киясиз?



2. Ўқиймиз, аниқлаймиз.
Матнни ўқинг.

Чет элдан Дилшоднинг дўсти Жон меҳмонга келди. У ўзбек халқининг урф-одатларига қизиқди. Унга айниқса миллий либослар ёқди. Дилшод дўстига миллий либослар ҳақида сўзлаб берди. ... дўстига ..., – совға қилди.

Дилшод дўстига нимани совға қилган бўлиши мумкин?



3. Ёзамиз.
Ўқинг.

Ёнғоқ қоқволдим,
Мағзини чақволдим:
Дадамга – ўттизта,
Аямга – тўққизта.
Бобомга – етмишта
Ўзимга – тўрт-бешта.



Кўчиринг. Саноқни билдирган сўзларни сўроқ бериб аниқланг, тагига чизинг.



4. Аниқлаймиз.

Расмда берилган миллий кийимлар қайси халқларга тегишли эканини биласизми?





5. Ёзамиз.


Энг катта ҳайвон

Дунёда энг катта ҳайвон кўк китдир. Унинг узунлиги ўттиз метрдан ошади. Бу кетма-кет қўйилган олтита филдан узунроқдир.

Битта кўк китнинг оғирлиги ўттизта фил оғирлигидан кўпроқ бўлиб, бир юз эллик тоннагача етади.

Битта кўк кит еттита вагонга юк бўлади.

Нарсаларнинг сонини билдирган сўзларни ўзи боғланган сўз билан кўчиринг.



ШАХС ВА НАРСА ҲАРАКАТИНИ, БЕЛГИСИНИ, САНОҒИНИ БИЛДИРГАН СЎЗЛАР



1. Ўқиймиз, аниқлаймиз.
Матнни ўқинг.

Ҳашар

Роҳат буви гулларни севадилар. Улар эшик олдини гулзор қилиш истакларини айтдилар. Биз ҳашарга ўн туп атиргул кўчатини олиб келдик. Ерни чопиб, текисладик. Обид ариқчалар олди. Ботир сув қўйди. Биз кўчатларни экдик. Роҳат буви қувондилар.

Ҳаракатни билдирган сўзларни топиб ёзинг.





2. Сўзлаймиз.

Расмга қаранг. Фойдаланиш учун берилган сўзлар иштирокида гаплар тузинг.



Фойдаланиш учун сўзлар: мактаб боғи, ҳашар, мевали, гул, кўчат, оҳаклади.



3. Ёзинг.

Матнни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Ўқувчилар мактаб ҳовлисига шафтоли кўчатини ўтқаздилар. Шафтоли март ойида чиройли гуллади. Атрофга нозик ёқимли ҳид тарқалди. Шафтоли май ойида пишади. Улар меҳнатларининг мевасини кўрадилар.


Белгини билдирган сўзларнинг тагига чизинг.



4. Аниқлаймиз.

Ўқинг. Топишмоқларнинг жавобини топинг.

Кўп қиррали тўрт бурчак
Керак бўлар уй қурсак.




Ранги ҳар хил,
Номи бир хил.



Келиб-кетар бир йилда
Тўрт оғайни ҳар хилда.



Сўроқлар ёрдамида саноқни билдирган сўзларни аниқланг.




АТРОФИМИЗДАГИ ОЛАМ

ГАП ҲАҚИДА
МАЪЛУМОТ

1. Тинглаймиз.

Матни ўқинг ва унда нечта гап борлигини аниқланг.

Ақлли қалдирғочлар



Ҳар йили баҳорда қалдирғочлар айвонимизга қурган инида бола очиш учун учиб келади. Уч-тўрт кун инларини тузатишади.

Бу орада ҳовлимиздаги инни йўқ мусичалар қалдирғочлар инини эгаллаб олишди.

Тайёр инни осонликча бергилари келмаган мусичалар навбатма-навбат инни қўриқладилар. Қалдирғочлар эса мусичаларни инларидан чиқариб юборолмай жон-жаҳдлари билан чуғурлашарди. Мен эса қалдирғочларга ёрдам бериш ниятида мусичаларни қувардим. Онам бу ҳолатни икки-уч кун кузатдилар-да:

– Болам қушларнинг ишига аралашма. Қалдирғочлар жуда ақлли қуш. Улар нима қилишни яхши биладилар, – дедилар.



Баҳром Акбаров

Қалдирғочлар нима қилишлари мумкинлигини ўйлаб кўринг.

Билиб олинг!

*Гап тугалланган фикрни билдиради.
Гап сўзлардан тузилади.
Гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан
бошланади.
Масалан, Яхшидан боғ қолади.*



2. Ёзамиз.

Гапларни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Баҳор келди. Иссиқ ўлкаларга учиб кетган қушлар қайта бошладилар. Болалар қушларга ин ясадилар. Инни дарахтга ўрнатдилар. Унга дон ҳам сочиб қўйдилар. Қушлар инга қўниб, маза қилиб донлашди. Болалар уларни кўриб жуда севиндилар.






3. Ўқиймиз.
Шеърни ўқинг. Мазмунини сўзланг.

Лайлагим



Узун тумшуқ лайлагим,
Келар бирга ўйнагим.
Лой, балчиқни кечмагин,
Қир бўлар оқ кўйлагинг.

Вали Аҳмаджон



**1. Сўзлаймиз.**

Расмларга қаранг. Гаплар тузинг.





2. Ёзамиз.

Нуқталар ўрнига мазмунига мос сўзни қўйиб, гапларни кўчиринг.

Ўлкамизга ёқимли ... келди. Мевали ... гуллади.
Ҳар хил ... чиройли очилди.

Қўйиш учун сўзлар: баҳор, дарахтлар, гуллар.



3. Фикрлаймиз.

Назмина гаплар тузиб ёзди. Қолдириб кетган сўзларни қўйиб гапларни ўқинг.



..., ... қушлар учиб келди.

Ариқларда ... оқди.

Далаларда ... иш бошлашди.



4. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Шеърнинг мазмунини сўзлаб беринг.

Баҳор, менга ёқади
Майин эсанг шамолнинг.
Ҳилпиратиб сепини,
Кўз-кўз этар жамолнинг.
Баҳор, менга ёқади
Шилдираган сувларинг
Атиргул, райҳонлардан
Тин олар сулувларинг.

Мунира Муҳиддин



Шеърда нечта гап борлигини аниқланг.



5. Аниқлаймиз.
Гапларни ўқинг.

Болалар мактаб боғида ишладилар қизлар боғ йўлларини супурдилар ўғил болалар дарахтларни оқладилар боғ яна ҳам кўркамлашди.

Керакли тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчириб ёзинг. Нечта гап ҳосил бўлди?



ДАРАК ГАП



Ҳаво ҳарорати



1. Сўзлаймиз.
Матнни ўқинг.

Термометр

Йилнинг ҳар фаслида ва ҳатто куннинг турли вақтида ҳаво ҳарорати турлича бўлади. Ҳарорат термометр билан ўлчанади. Термометр билан ҳавонинг, одам танасининг, сувнинг, тупроқнинг ҳароратини ўлчаш мумкин.



Нечта гап ўқидингиз? Ҳар бир гапдан кейин қандай тиниш белгиси қўйилган?

Билиб олинг!

Бирор воқеа-ҳодиса ҳақида дарак, хабар билдирган гаплар дарак гап дейилади. Дарак гапнинг охирида овоз пасаяди. Ёзувда дарак гап охирига нуқта (.) белгиси қўйилади. Масалан: Бугун ёмғир ёзмади.



2. Ёзамиз.
Гапларни ўқинг.

Саъдулла укаси билан гулзорга кирди. Гуллар қийғос очилган. Улар бир даста гул теришди. Гулларни ойисига бердилар.

Гапларни кўчириб ёзинг.



3. Ўқиймиз.
Шеърни ўқинг. Ёддан ёзишга тайёрланинг.

Ёмғир қўшиғи

Ёмғир эзиб ёғар эди,
Кўкдан сизиб ёғар эди.
Томчилари тойчоқлардай
Чопиб, ўзиб ёғар эди.

Пўлат Мўмин





4. Сўзлаймиз.

Расмлар асосида ҳикоя тузинг. Ҳикоянгизга сарлавҳа қўйинг.



қийғос
бир даста
сизиб

- дарак гап охирига
нуқта қўйилишини;
- расм асосида ҳикоя
тузишни ўргандик.



1. Аниқлаймиз.

Об-ҳаво даракчиларини кузатиб кўринг.

Осмонда кўм-кўк булут бўлса – иссиқ бўлади ва ёмғир ёғади.

Учиб ўтувчи қушлар гала-гала бўлиб учса – баҳор яхши келади.

1. Гаплардаги қандай? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни топинг.
2. Сиз яна қандай об-ҳавога боғлиқ ҳикматларни биласиз?



2. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг.



Март

Март йиғлоқи бўлса ҳам,
Лекин жуда айёрдир.
Бир кўзида нам бўлса,
Бошқасида қуёшдир.

М. Мрвлишвили

Нима сабабдан шеърда март йиғлоқи дейилган, тушунтириб беринг.



3. Ёзамиз.

Гапларни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Осмонда булут кўринди. Ёмғир ёғди. Чанглар босилди. Ҳаво тозаланди. Ёмғир тинди. Чарақлаб қуёш чиқди.

1. Гап охирига қандай белги қўйилган?
2. Шахс ва нарса номини, ҳаракатини билдирган сўзларнинг тагига чизинг.



4. Аниқлаймиз.

Матнни ўқинг.

Баҳорда ҳашаротлар ҳаёти



Дастлабки қуёш нурлари туша бошлаши билан **дарахтлар** ковагида, **пўстлоқлар** остида қишлаётган **ҳашаротлар** уйғонади. Пашша ва капалаклар, хонқизи ва чивин, сариқари, қовоқари ва **асаларилар** қишки жойидан чиқади. Боғ ва хиёбонларда **чумолилар** гужғон ўйнай бошлайди. Зарарли ҳашаротлар жонланади.

Ажратиб берилган сўзларни намунадагидек ёзинг.

Намуна: дарахтлар – дарахт.



5. Мақолни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.



Баҳорги ҳаракат,
Кузги баракат.



6. Ўйлаймиз.

Чизмаларга мос гаплар тузинг ва ёзинг.

_____ .
_____ .
_____ .



ҚУШЛАРНИ АЖРАТА БИЛИНГ



1. Ўқиймиз.
Матнини ўқинг.

Қораялоқ

Эрта баҳорда қораялоқнинг ёқимли сайрашини эшитиш мумкин. Унинг ҳамма патлари қора, шунинг учун қораялоқ деб аталади. Тумшуғи ва кўзининг атрофи сариқ рангда. Қораялоқ ўлкамиздаги баҳорги сайроқи қушлардан биридир. У эрталаб тонг ёришмасдан сайрай бошлайди ва кечқурун тўхтайдди.



Матнда нечта гап ўқидингиз? Нарсанинг белгисини билдирган сўзларни топинг ва сўроқ беринг.




2. Ўйлаймиз ва ёзамиз.
Ўқинг. Қушларнинг ва уй паррандаларининг номлари алоҳида гуруҳларга ажратиб ёзинг.

Қалдирғоч, жўжа, хўроз, ғоз, чумчуқ, каптар, товуқ, булбул, ўрдак, майна.



3. Сўзлаймиз.

Расмларга қаранг бу қушлар ҳақида нималар биласиз? Дўстингиз билан суҳбатлашинг.



4. Ёзамиз.

Шеърни ифодали ўқинг.

Ҳаракатни билдирган сўзларни топинг ва ёзинг.

– Қушларим, ҳой қушларим,
Қаноти кумушларим!
Меҳмон бўлиб қолингиз,
Боғимда дам олингиз.
– Қол, десанг биз қоламиз
Қишгача меҳмон бўлиб


Боғингда дам оламиз
Кўнглимиз завққа тўлиб.
Кўклам чоғи сайраймиз,
Гул боғингда яйраймиз.
Ёзда бола очамиз,
Бошингга гул сочамиз.
Бизни меҳмон қилди деб,
Қадримизни билди деб,
Сенга раҳмат айтамиз,
Сўнг жанубга қайтамиз.

Уйғун



5. Тез айтишларни тез-тез айтинг.

Дарсда Насим расм солди,
Насим расмга разм солди.





1. Аниқлаймиз.

Шеърни ифодали ўқинг.

Нега?

Булут нега чопади?

Ёмғир нега ёғади?

Шуъла нега кўчади?

Олов нега ўчади?

Пашша нега чақади?

Юлдуз нега учади?

Ўрмон нега шовуллар?

Денгиз нега гувиллар?

Қодир Мирза Али

Шоирнинг берган саволларига сиз қандай жавоб берган бўлар эдингиз?

Билиб олинг!

Бирор нарса ҳақида сўраб айтилган гап сўроқ гап дейилади. Сўроқ гап охирига (?) белгиси қўйилади. Масалан: Бугун қайси кун?



2. Ўқиймиз.

Ўқинг. Дарак гапларни сўроқ гапларга айлантириб ёзинг.

Қорлар эриди. Комила китоб ўқиди. Шаҳардан тоғам келди. Биз музейга бордик. Деҳқонлар далада баҳорги ишларни бошлашди.



3. Ёзамиз.

Гапларни ўқинг. Гапларнинг қандай оҳанг билан айтилишига эътибор беринг. Саволларга жавоб топинг ва ёзинг.

1. Баҳорда қандай гуллар очилади?
2. Қайси қушлар эрта баҳорда учиб келади?
3. Баҳорда қандай байрамларни нишонлаймиз?
4. Наврўзда қандай таомлар пиширилади?



4. Ўқиймиз.

Матнни ўқинг. Матнда нечта гап борлигини айтинг. Улар қандай гаплар?

Баҳор

Баҳор кўркам фаслдир. Баҳор фаслига март, апрель, май ойлари киради. Баҳор келиши билан қуёш илиқ нурларини соча бошлайди. Баъзан осмонда булутлар кўпаяди. Ёмғир тез-тез ёғиб туради. Дарахтлар куртак чиқаради, гуллаб, барг ёзади. Ҳар хил гуллар очилади. Ер юзаси кўм-кўк майса билан қопланади.



Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг. Шу сўзлар ўрнига сўроқ ифодаловчи сўзларни қўйган ҳолда гапларни қайта ўқинг. Қандай гап ҳосил бўлди?





5. Сўзлаймиз.

Расмдаги эрта баҳорда очиладиган гулларни кўриб чиқинг. Қайси бири сиз яшаётган жойда учрайди? Номини айтинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.



6. Шеърни ўқинг. Ёддан ёзинг.

Баҳорда энг илк безак,
Ўсиб чиқди бойчечак.
Қуёш нурларин сочди,
Атиргул ғунча очди.



БИРНИ КЕССАНГ,
ЎННИ ЭК

1. Ёзамиз.

Шеърни ўқинг, сўроқ гапни аниқланг.

Ким у?

- Тегмаганга тегар ким
- Ниҳолларни эгар ким
- Бадфеъл Қўлдош
- Ўз уйим, деб мактабим,
- Эл-юрт мулкин асрар ким
- Бу-ми – Йўлдош.

Султон Жаббор

Кўчиринг. Сўроқ гапларнинг охирига сўроқ белгисини қўйинг.



2. Сўзлаймиз.

Расмга қаранг. Болаларга исм қўйиб, гаплар тузинг.





3. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Сўроқ гапларни аниқланг.

Дарахт

Дарахт, дарахт,
Нега сен карахт?
Доим суриб
Турасан ўй.
Дарахт, дарахт,
Нега ҳар вақт
Кўкка қараб
Чўзасан бўй?

Меваларинг
Пишган маҳал,
Асалари
Кетмай қолди.
Меванг олиб
Ейман десам,
Менинг бўйим
Етмай қолди.

Анвар Қурбон



4. Расмга қаранг. “Бирни кессанг, ўрни эк” мавзусида ҳикоя тузинг.



НИҲОЛ
БАДФЕЪЛ
КАРАХТ

- расм асосида саволларга жавоб беришни;
- шеърдаги сўроқ гапларни аниқлашни ўргандик.

Тоза ҳаво – танга даво



1. Ўқиймиз.
Шеърни ифодали ўқинг.

Кўклам

Беғубор олам,
Бунчалар кўркам!
Мусаффо тиниқ
Осмон жуда ҳам.
Нурга кўмилиб
Яшнайти ўлкам.
Чунки элимда
Кезмоқда кўклам!

Зокиржон Мўминжонов

Қайси гап кучли ҳаяжон билан айтилганини топинг.

Билиб олинг!

Ҳис-ҳаяжон, қувонч билан айтилган гаплар ундов гап дейилади. Ундов гапнинг охирига (!) белгиси қўйилади.

Масалан: Баҳор – гўзал фасл!



2. Ёзамиз.

Матнни ўқинг. Нечта гап ўқидингиз? Гаплар охирига қандай белги қўйилган? Биринчи ва охирги гапларни кўчириб ёзинг.

Қозоғистонда тоғлар жуда кўп. Ўлкамизнинг тоғли ҳудудлари ноёб ҳайвонлар ва ўсимликларга бой. Шунинг учун бундай жойларда қўриқхоналар ташкил этилиб улар назоратга олинган. Бу масканларга саёҳатга чиққан кишилар ўлкамизнинг табиат бойликлари билан яқиндан танишадилар, табиатнинг гўзаллигидан завқланадилар, тиниқ ҳавосидан нафас оладилар. Тоғлар бизнинг бойлигимиз!



3. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Мазмунини сўзланг.

Тоғ ёнида – уйимиз!

Тоғ ёнида уйимиз,
Майса-гилам йўлимиз.
Лолазорга етади
Узатганда қўлимиз.
Тоғ ёнида уйимиз
Жилға-майин куйимиз.
Тоғимизда сайр этиб
Равочга бир тўйингиз.
Тоғ ёнида уйимиз
Муздек булоқ сувимиз.
Биз ёқларга келсангиз
Шу кун байрам, тўйимиз!

Дилшод Ражаб



Тоғ бағрида сайр қилиш сизга нима учун ёқади?





4. Ёзамиз.

Матни ўқинг. Ундов гапларни топинг ва кўчириб ёзинг.

Медев

Медев баланд тоғ тизмалари орасига жойлашган муз майдони. Унда фақат қиш кунлари эмас, ёзнинг иссиқ кунларида ҳам коньки учиш мумкин. Бу пайтда Медевнинг теварак-атрофи қандай гўзал! Дунё юзида бундай гўзал жой топилмас!





1. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Шеър нима ҳақида?

Қуёшжон-қуёшжон

Тонг ҳам айтмоқда шошгин,

Қуёшжон-қуёшжон!

Нурли кўзингни очгин

Қуёшжон – қуёшжон!

Ҳамма ёқ нур олади

Юзингдан-юзингдан.

Баланд тоғлардан ошгин

Қуёшжон-қуёшжон!

Ҳеч ким совуқ емасин

Ҳеч қачон-ҳеч қачон.

Илиқ нурингни сочгин,

Қуёшжон-қуёшжон!



Ажратиб берилган сўзларга сўроқ беринг. Қайси сўзга боғланаётганини айтинг.



2. Ёзамиз.

Нуқталар ўрнига керакли сўзларни қўйиб, гапларни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Қуёш бепоён оламга тинимсиз ёруғлик таратиб Ер юзидаги ўсимлик ва ..., шунингдек инсон ҳам қуёш туфайли ... кечиради.

Фойдаланиш учун сўзлар: ҳайвонлар, туради, ҳаёт.



3. Аниқлаймиз.

Туширилиб қолдирилган ҳарфларни ва тегишли тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг.

Бизнинг Ватан қандай гўзал ва кўркам! Биз ўз В...танзимизни севамиз Табиатни асраб авайлаш – бурчимиз Қушлар – бизнинг дўстимиз.

Ундов гапни аниқланг.





4. Тез айтишларни тез-тез айтинг.

Ниёз пиёз арчди,
Фаёз пиёз артди.



5. Сўзлаймиз.

Расмга қаранг. Гаплар тузинг.




ОНА ТАБИАТНИ АВАЙЛАЙМИЗ



1. Сўзлаймиз.

Расмларга қараб гаплар тузинг.



Тузган гапларингизни сўроқ гапга айлантинг.



2. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг.

Табиатни авайлаймиз

Қушчаларни қийнамаймиз,
 Қанотларини юлмаймиз.
 Ўтларни пайҳон қилмаймиз
 Табиатни авайлаймиз!
 Теравериб лолаларни
 Ранжитмаймиз одамларни.
 Синдирмаймиз бодомларни
 Табиатни авайлаймиз!
 Минг хил гиёҳ, жониворлар
 Табиатни қилар дилбар.
 Келинг биргаликда дўстлар,
 Табиатни авайлаймиз!

Олқор Дамин

Табиатни авайлаш деганда нимани тушунаси?



3. Ёзамиз.

Гапларни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Колибри – жуда кичкина қуш. Унинг катталиги капалакдай.

Ер юзидаги энг катта ҳайвон – фил. Унинг бўйи 3 метргача келади. Митти қуш ва улкан ҳайвон иссиқ мамлакатларда яшайди.




Нарса белгисини билдирган сўзларнинг тагига тўлқинли чизик чизинг.



4. Топишмоқларни ўқинг ва жавобларини топинг.

Ёзда кийинади,
Қишда ечинади.

Қўлсиз, оёқсиз эшик очар.
Бир қоп ун, ичида устун.





Баҳорги ҳаракат – кузги баракат

1. Ўқинг. Гапларнинг чегарасини аниқланг.

Одамлар чўлга сув келтирдилар пахтакорлар у ерларга пахта экишди боғбонлар мевазор боғлар яратишди.

Кўчиринг. Биринчи гап кимлар ҳақида айтилган? Шу сўз тагига битта чизиқ чизинг. Одамлар ҳақида нима дейилган? Бу сўз тагига иккита чизиқ чизинг. Иккинчи ва учинчи гаплар кимлар ҳақида айтилган ва улар ҳақида нима дейилган?

Билиб олинг!

Гапда ким ёки нима ҳақида фикр айтилаётганини, ким ёки нимани қандай иш бажараётганини ифодаловчи сўзлар гапнинг бош бўлаклари дейилади. Бош бўлақлар ўзаро боғланиб, фикр англата олади. Масалан: Ёмғир ёғди.



2. Ёзамиз.

Ўқинг, нима қилди? нима қилдилар? сўроғига жавоб бўладиган сўзларнинг тагига икки чизиқ чизиб ёзинг.

Ўқувчилар мактаб боғига гилос кўчатини ўтқаздилар. Гилос март ойида оппоқ гуллади. Атрофга ёқимли ҳид тарқалди. Гилос май ойида пишади. Ёш боғбонлар меҳнатлари мевасидан ейдилар.



3. Сўзлаймиз.

Расмларга қараб гаплар тузинг.



4. Мақолларни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.

Ҳаракатинг – соғлигинг,


Меҳнатинг – бойлигинг.

Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан,

Меҳнат қилсанг, даврон сурасан.

Ҳиммат – элнинг таянчи,

Меҳнат – роҳат қувончи.





1. Ўқиймиз.

Матнни ўқинг. Ким? Кимлар? Нима? Нималар? сўроқларига жавоб бўладиган сўзларни кўрсатинг.

Қўл соатига қадар

Ўрта асрларда қўл соатини оёққа тақиб юришган. Олифта кишилар уни тиззаларига боғлаб, кўз-кўз қилишган. Дастлабки механик соатларни отда олиб юришган, унинг тўғри вақт кўрсатишини отбоқар кузатган. Бесўнақай қадоқтош ўрнига майда тош ўрнатиш йўли топилгач, қўл соати пайдо бўлган. Лекин ўша қўл соатини чўнтакда эмас, бўйинга ёки қоринга боғлаб юришган. Соатсозлар юрак, ошқозон, капалак, гулнусха соатлар ишлаб чиқаришган. Узукка, зиракка ўрнатилган соатлар ҳам бўлган. Қулоққа тақилган соатга унинг эгаси қарай олмаслигидан соатни қулай жойга – қўлга тақиш расм бўлган.



Билиб олинг!

Гапнинг ким ёки нима ҳақида айтилаётганини билдирган бўлак эга дейилади. Эга ким?, кимлар?, нима?, нималар? сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Ёзувда эганинг тагига бир чизиқ чизилади. Масалан: Болалар келди (кимлар келди?)



3. Ўқиймиз, ёзамиз.

Гапларни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида гапнинг бош бўлаги эгани аниқланг.

Осмонни қора булут қоплади. Бобом мусиқа тинглади. Собир варрак ясади. Болалар хиёбонга бордилар. Гулзорда турли гуллар ўсади. Боғимиздаги мевали дарахтлар гуллади.

Гапларни кўчиринг, эганинг тагига чизинг.



4. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Эркин эгатга эртанги экинни экди.





1. Ёзамиз.

Гапнинг мазмунига мос сўзни қўйиб кўчиринг.
Шу сўзлар нимани билдирапти?

Қишда типратиканлар шох-шабба тагида
Мана баҳор ҳам

Она табиат Типратиканлар қиш уйқусидан
... .

Фойдаланиш учун сўзлар: ухлади, келди, турди,
уйғонди.

Билиб олинг!

Гапнинг эгаси ҳақида хабар билдириб, унинг қандай иш бажарган ёки бажармаганини билдирган бўлак кесим дейилади. Кесим нима қилди?, нима қиляпти?, нима қилмоқчи? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади. Ёзувда кесимнинг тагига икки чизиқ чизилади.

Масалан: Ёмғир тинди.



2. Сўзлаймиз.

Расмларга қаранг. Нима қилди?, нима қиляпти?
сўроғига жавоб бўладиган сўзларни қатнаштириб
гаплар тузинг.



3. Ўқиймиз.

Матни ўқинг. Мазмунини сўзланг.

Олмахон

Олмахон катта эмас, лекин кичик ҳайвон. У дарахт коваклариди яшайди. Баҳорда кунлар илиши билан олмахонлар ерга тушиб ўйнади. Бир куни олмахонлар дарахт ёнида юрар эдилар. Айёр тулки пайдо бўлди. У олмахонларни кўриб тўхтади. Тулки жуда оч эди. Олмахонлар уларни кўриб, чаққон инларига кириб олишди. Тулки уларни узоқ пойлади. Тулки ниятига ета олмай, қайтиб кетди.

Матндан кесимларни аниқланг.





4. Ёзамиз.

Ўқинг. Эга кесимни топиб тагига чизинг.

Гуллар қийғос очилди.

Қушлар учиб келди. Боларилар гулдан гулга қўниб учишяпти.



ГАПЛАРДА СЎЗЛАРНИНГ БОҒЛАНИШИ



1. Ёзамиз. Сўзларни ўқинг.

Севади, жуда, ер, меҳнатни;
Яхши, ердан, олинади, ҳосил.

Сўзлардан гаплар тузинг ва ёзинг. Гапда сўзларнинг боғланишига эътибор беринг.

Билиб олинг!

Гап таркибидаги ҳар бир сўз ўзаро боғланади. Гапда сўзларнинг боғланиши сўроқлар ёрдами билан аниқланади.

Масалан, Севара доскага чиқди. Ким доскага чиқди? Севара қаерга чиқди? Севара нима қилди?



2. Сўзлаймиз. Расм асосида гаплар тузинг. Гапда сўзларнинг боғланишини сўроқлар ёрдамида аниқланг.





3. Ўйлаймиз.

Мазмунга мос сўзларни қўйиб, гапларни ёзинг.

Баҳорда (нималар?) гуллайди. Қирда (нималар?) очилади. Эгатларга (нималар?) экилади. Яйловда (нималар?) ўтлайди.

Гаплардаги эга ва кесим тагига чизинг.





4. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Мазмунини сўзланг.

Дарахтга сув қуйган бола

Қанчалар ҳам яхши бола
Ер юзининг нақши бола,
Шоир бола, бахши бола –
Дарахтга сув қуйган бола.
Ширин бола, шакар бола
Қанчалар ҳам асал бола,
Ҳаммадан ҳам гўзал бола –
Дарахтга сув қуйган бола!

Шеър мазмунига мос расм чизинг.





1. Тинглаймиз.

Шиллиққурт ва кабутар

Дарахт япроғида турган Шиллиққуртга дунё шу япроқ каби кўриниб кетдими ёки унинг қанчалик катта эканлиги ҳақида жаҳонгашта кабутардан билгиси келдими, шундай деди:

– Биз яшаётган Ер деб аталувчи маскан каттами, кичикми?

– Масалан, Қурбақа учун у чивинларни тутиб еб юрган ҳовузча келади, – деди кабутар донолик билан.

– Тишлари, тирноқлари ўткир, баҳайбат ҳайвонлар учун-чи?

– Улар учун эса Ер ўзлари яшаб турган баланд қоялар, қуюқ дарахтлар билан қопланган ўрмондан бошқа нарса эмас.

– Сен учун-чи?

– Мен учун эса Ер – чексиз, бепоён, охири йўқ бир олам. Унда тўлқин урган чексиз мовий уммонлар, булутларни ўпган юксак тоғлар, бепоён текислигу чўллар, қишу ёз ям-яшил турадиган, хазон билмас боғу яйловлар, юксак мангу музликлар бор. Мен буларнинг барчасини булутлар орасидан учиб ўтаётганимда кўраман.



Шукрулло Абдуллаев



2. Сўзлаймиз.

1. Шиллиққурт ва кабутар суҳбатини ўз сўзларингиз билан сўзлаб беринг.
2. Матндаги нималар? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни ўзи боғланган сўз билан биргаликда ўқинг.



3. Ёзамиз.

Гапларни ўқинг, аввал баҳор, кейин ёз ҳақидаги гапларни ёзинг.



Қуёш кучли қиздирди. Полизда қовунлар пишади.
Ўтлоқ ям-яшил майса билан қопланади. Мевали дарахтлар гуллайди. Баҳорда кунлар исийди.

Ёз ҳақидаги гаплардаги ўзаро боғланишни сўроқлар ёрдамида аниқланг.



4. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Эшик олдида булоқ, булоқдан сув ичар улоқ,
улоқчам узун қулоқ.





1. Тингланг.

Эртакни тингланг. Нима ҳақида экан?

Табиатнинг донолиги

Бир кийик дарёдан сув ичаётган эди. У ўз аксини сувда кўриб дебди:

– Шохларим шундай чиройли ва йўғон, оёқларим эса озғин ва хунук. Қани энди оёқларим ҳам шохларим каби чиройли, шохдор ва йўғон бўлса...

У шундай деб ўйлаши билан айтганларининг ҳаммаси бажо бўлибди ва шу заҳоти узоқдан овчи итларнинг овози эшитилибди. Кийик дарахтлар орасига яширинмоқчи бўлибди, афсуски бир қадам ҳам юролмабди, оёқлари унга бўйсунмабди. Итлар кийикни қувиб етиб, тутиб олай деганларида у астойдил ёлворибди:

– Оёқларим илгари қандай бўлган булса, шундай бўлиб қолсин!

Тилаклари амалга ошибди ва у муқаррар ўлимдан қутқарилиб қолибди. Бошига тушган шу воқеадан сўнг оёқлари у ўйлаганидек ингичка ва хунук эмаслигини билиб олибди. Табиатнинг донолигига шубҳа билан қараш мумкин эмаслигини тушуниб етибди.

Нарсанинг номини билдирган сўзларни ўзи боғланган сўз билан айтинг.





2. Ёзамиз.

Матнни кўчириб ёзинг. Нарсаларни белгисини билдирган сўзларнинг тагига тўлқинли чизиқ чизинг.



Мексикада бир ажойиб гул ўсади. У бир куннинг ўзида турли рангга киради. Тонгда оппоқ, эрталаб қизил, туш пайтида қипқизил, кечқурун қора, тунда оппоқ бўлади. Яна бир сир, бу гул фақат оппоқ бўлганда тонгда ва тунда хушбўй ҳид таратади.



Яна қандай ажойиб хусусиятга эга гулларни биласиз?



3. Ўйлаймиз.

Берилган гапларни ўқинг. Гап охирига қандай белги қўйилган. Дарак гапларни сўроқ гапга айлантириб айтинг.

Ўрмонда дарахтлар гуллади. Ҳайвонлар овқат қидира бошлади. Қушларнинг шўх овози эшитилди.





1. Ұйлаймиз.

Гапларни ўқинг. Ажратиб берилган сўзларнинг маъносини тушунтиринг.

Онам тандирга ўт ёқди. Мен бузоққа ўт бердим. Заргар узукнинг кўзини алмаштирди. Кўз – кўриш аъзоси.

Китоб – билим манбаи. Китобнинг варақларини йиртманг.

Ажратиб берилган сўзларнинг айтилиши ва ёзилиши бир хилми? Улар бир хил маъно билдирыптими?

Билиб олинг!

Сўзлар бир ва кўп маъноли бўлади. Бир маънони билдирган сўзлар бир маъноли, бир неча маънони билдирган сўзлар кўп маъноли сўзлар дейилади.

Масалан: ўт – кўп маъноли, китоб – бир маъноли сўзлардир.



2. Ёзамиз.

Кўп маъноли сўзларни топинг тагига тўлқинли чизиқ чизинг.


Кумуш қиш, кумуш зирак, олтин куз, олтин соат, тош йўл, тош олма, темир йўл, темир интизом.



3. Ўқиймиз. Матнни ўқинг.

Саёҳат

Саёҳат кишига роҳат бағишлайди. Киши мириқиб дам олади. Билимлари ҳам ортиб боради. Ёзда оиламиз билан саёҳат қилдик. Дастлаб Тўрткўл, Иқон қишлоқларидан ўтиб Туркистон шаҳрига бордик. Туркистонда икки кун турдик ва Кентовга ўтдик.





Матндан кўп маъноли сўзни топиб гаплар тузинг.



4. Мақолларни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.

Тил билган элда азиз.
Тили шириннинг дўсти кўп бўлади.





1. Ўқиймиз.

Буюк Ипак йўли

Буюк Ипак йўли қадимда Ғарб билан Шарқни боғловчи савдо-сотиқ йўли эди. Буюк Ипак йўли бўйлаб кўплаб карвонсаройлар, шаҳарлар барпо этилди. Маданият ривожланди. Бу йўл Қозоғистон ҳудудларидан ўтган бўлиб, бу ерларга турли мамлакатлардан савдогарлар, ҳунармандлар, олимлар, меъморлар ташриф буюрганлар. Буюк Ипак йўлининг умумий узунлиги 12000 км дан иборат эди. Еттисув, Тароз, Сайрам, Ўтирор, Туркистон, Сауран, Сиғаноқ, Талғар каби шаҳарлари ривожланиб, гуллаб яшнаган.



Жой номларини билдирган сўзларни аниқланг ва ёзинг.



2. Ёзамиз.

Мақолни кўчириб ёзинг. Ажратиб берилган сўзларнинг маъносини тушунтиринг. Улар яна қандай маъноларни билдиради?

Одобли ўғил – кўкдаги юлдуз,
Одобли қиз – ёқадаги қундуз.



3. Сўзлаймиз.

Расмга қаранг. Расм асосида гаплар тузинг.





4. Аниқлаймиз.

Гапларни ўқинг. Кўп маъноли сўзларнинг маъносини тушунтиринг.

Адҳам харитадан Буюк Ипак йўли ўтган шаҳарларни кўрсатди. Салима шоир Ғафур Гуломнинг ҳаёт йўли ҳақида гапирди. Саёҳатчилар темир йўл вокзалида тўпланишди.



5. Аниқлаймиз, ёзамиз.

Нукталар ўрнига берилган кўп маъноли сўзлардан мосини қўйиб гапларни ўқинг ва кўчиринг.

... қуёш чарақлайди. Машина расмини ... рангда бўядим. Июнь, июль, август – ... ойлари. Мунира бувисига хат Зебо ... – қўлини совунлаб ювди. Мактабимиз боғига ... туп олма кўчати экилди.


Қўйиш учун сўзлар: кўкда, юз, ёз, кўк, ёзди.



6. Ўқиймиз.

Гапларни ўқинг. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзларни аниқланг.

Кўйлак ёқасини кир қилма! Баҳорда дарахтлар гуллайди. Йўл ёқасида лолақизғалдоқлар очилибди. Дарахт тепасида қушларнинг ини бор экан.





1. Ўқиймиз.

Асалари ҳеч нарса демади

Хўроз дебди:

– Мени биласанми, агар мен қичқирмасам, тонг ҳам отолмайди. Тонгни мен оттираман. Чигиртка дебди:

– Сенларни қара-я, маҳмадоналар! Ахир булбулигўё, қарчиғайлар сайрашни мендан ўрганишган. Менинг куйим дунёда энг ёқимли, майин куй. Чивин дебди:

– Ҳаммангиздан ҳам ўзим хушовозман. Одамлар овозимни эшитсалар, ҳузур қилишади. Нинамни санчсам, дилларидан шоду хуррам бўлишади. Ҳатто, мендан ҳайиққанларидан саратонда оппоқ пашшахона тутиб олишади.

Лекин асалари ҳеч нарса демади. Гулдан-гулга қўниб, бол йиғиб кувага қараб ташийверди.

Аюб Мансур

Ажратиб берилган сўзларнинг маъносини тушунтиринг.

Тонг отишига нима сабаб бўлади?

Билиб олинг!

Шакли турли, аммо маъноси бир бўлган сўзлар маънодош сўзлар дейилади.

Масалан: осмон, кўк.



2. Ёзамиз.

Ўқинг. Маънодош сўзларни топинг.

Осмон тиниқ ва беғубор. Унда қушлар қувнаб, ўйнаб учишяпти. Қирдаги гўзал, чиройли гуллар хушбўй, муаттар ҳид таратмоқда.

Кўчириб ёзинг. Маънодош сўзларнинг тагига чизинг.



3. Ўқиймиз.


Шеърни ўқинг. Шеър нима ҳақида?

Тонг

Нурга чўкди чўққилар,
Сўнг таралди заррин ранг,
Бир-бирига жўр бўлиб
Қушлар сайрар ҳамоҳанг
Ажиб хуш касб этди.
Ўйнаб оққан шўх анҳор
Майин эсган шабада
Дилларни этди баҳор.

Ажратиб бериган сўзларга маънодош сўзлар топинг.

Намуна: чўққилар, тоғлар.





1. Ёзамиз.

Жаҳонгир яқинда қишлоққа бориб қайтди. Саёҳат таассуротларини эса сизга ёзиб юборди. Ўқинг.

Биз тез-тез саёҳатга борамиз. Яқинда Оқтош қишлоғига бордик. **Баланд** тоғлар ён-бағрида табиатни кузатдик. **Атроф кўм-кўк**. **Ҳаво мусаффо**. **Зилол** сувлар жилғалардан оқиб турибди. **Маза қилиб** дам олдик.

Ажратиб берилган сўзлар ўрнига сиз қайси сўзларни қўйган бўлар эдингиз? Кўчириб ёзинг.



2. Сўзлаймиз.

Расмга қараб гаплар тузинг. Қандай маънодош сўзлардан фойдаландингиз?





3. Ўқиймиз.

Қишлоқ

Қишлоқман, қишлоқ, ҳар ёғим ўтлоқ
Бир келинг толлар ёзганда япроқ.
Қишлоқман, қишлоқ – менда мўл қаймоқ,
Қаймоқ яласанг, келавер ўртоқ!
Қишлоқман, қишлоқ, қўйнимда ирмоқ
Шилдираб куйлаб ётади ҳар чоқ.
Қишлоқман, қишлоқ, демайин узоқ –
Бир келиб кетган бўлар кўнгли чоғ.

Олқор Дамин



Ажратиб берилган сўзларга маънодош сўзлар топиб айтинг.



4. Топишмоқларни ўқиб, жавобини топинг.

Чўзилиб ётар нарвон,
Ундан ўтар уй карвон.

Қиздирсанг ишлар,
Кийим текислар.





1. Суҳбатлашамиз.

Матни ўқинг.

Нурсултон билан Нурбўлат ҳайвонот боғига боришди. Ҳайвонот боғида йўлбарсни узоқ томоша қилишди. Йўлбарс ҳайвон сақлаш майдончасида дам олиб ётарди. Нурсултоннинг Темир панжарадаги ёзувга кўзи тушди. Овозини чиқариб ўқиди:

“Йўлбарс – жуда кучли йиртқич ҳайвон. У 9-10 метр ерга сакрайди. Йўлбарс тўнғизни, сигирни, йилқини осонгина ўлдиради. У айиққа ҳам ҳамла қилади. Йўлбарс соатига 120км югура олади.

Қадимда Қозоғистоннинг Или, Балхаш, Чу, Сирдарё, Зайсан каби дарё ва кўллариининг қамишли қирғоқларида кўп бўлган”.

– Йўлбарс “Қизил китобга” киритилган ҳайвонларнинг бири, – деди Нурбўлат. Икки ўртоқ ҳайвонот боғидан хурсанд бўлиб қайтдилар.



1. Матнда нечта гап бор?
2. Жой номларини билдирган сўзларни аниқланг.
3. Йўлбарс нима учун “Қизил китобга” киритилган?



2. Ёзамиз.

Шеърни ўқинг. Шеър нима ҳақида?

Ҳайвонот боғи

Мана ҳайвонот боғи	Катакда меҳмон зўри
Ҳайвонларнинг ётоғи.	Гердайиб қарар бўри.
Гуё каттакон қайиқ,	Уйқум келяпти, оҳ,
Ҳовузда сузар айиқ.	Тинмай йиғлайди тимсоҳ.
Сакраб ўйнайди қоплон,	Нимагадир туялар,
Унга қўшнидир Шерхон.	Ўркачидан уялар.
Жуда-жуда катта фил,	Барчасини томоша
Африкадан келган бил.	Қилдик биз катак оша.

Шеърда номи айтилган ҳайвонларни ёзинг.




3. Аниқлаймиз, ёзамиз.

Қуйидаги сўзларга маънодош сўзлар топиб ёзинг.

Аҳил, иноқ, ...,

Улуғ, буюк, ...,

Чиройли, гўзал, ...,






1. Ўйлаймиз.

Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Қазиб олинар ўзи
Қоп-қора унинг юзи.
Бордир йирик, майдаси
Унинг катта фойдаси.



Яланғочдир тушса совуқ,
Кийим кияр бўлса иссиқ.



Ажратиб берилагн сўзларнинг маъноларини қиёсланг.

Билиб олинг!

Бир-бирига тескари маънони билдирган сўзлар зид маъноли сўзлар дейилади.

Масалан: катта-кичик.



2. Ёзамиз.

Нарсаларнинг белгисини билдирган сўзларга зид маъноли сўзлар топиб, намунадагидек ёзинг.

Юмшоқ, ўткир, ширин, енгил, узун.

Намуна: иссиқ-совуқ.



3. Аниқлаймиз.

Берилган нарсанинг белгисини билдирган сўзларга зид маъноли сўзлар топиб айтинг.

Қиммат –
Ёруғ –
Тўғри –
Рост –

Оғир –
Оқ –
Ёмон –
Ўткир –




4. Ўқиймиз.

Қора олтин – бойлигимиз


Ўлкамиз турли фойдали қазилмаларга бой. Бундай фойдали фазилмаларнинг бири – тошкўмир. Тошкўмирни халқимизда “қора олтин” деб ҳам аташади. Қарағанда ва Экибастузда тошкўмир конлари мавжуд.



Тошкўмирдан нималар олиниши ҳақида ўйлаб кўринг.



пати
тошкўмир



- зид маъноли сўзларнинг ёзилишини;
- сўзларга мос зид маъноли сўзлар танлашни ўргандик.

СЎЗЛАРНИНГ МАЪНОСИ- НИ ФАРҚЛАЙМИЗ



1. Ўқиймиз.

Матнни ўқинг. Нечта гап ўқидингиз?

Олимжон фермер

Қобилжоннинг дадаси Олимжон ака 20 та сугир сотиб олди. Уларни боқиш учун қишлоқдан ер ажратиб беришди. Сугирлардан олинаётган сутдан қаймоқ, сузма, қатиқ ва пишлоқ тайёрлайдилар. Шаҳар аҳолиси маҳсулотларни харид қилиб оляптилар. Қобилжон ҳам катта бўлгач фермер бўлмоқчи.



1. Сут маҳсулотларининг қандай фойдаси бор?
2. Қишлоқда яна қандай фермер хўжаликлари ишлайди?



2. Топишмоқни ўқиб жавобини топинг.

Ўшар жажжи қуёшга
 Ёқади қари ёшга.
 Даламга у кўрк-чирой
 Мағзи эса жикқа мой.
 Гули сариқ – олтин нур,
 Бу-чи нима, ўйлаб кўр!



Ажратиб кўрсатилган сўзларга зид маъноли сўзлар топиб айтинг.



3. Ёзамиз.

Мақолларни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Эрта эккан хирмон қилади,
 Кеч эккан армон қилади.

Эски йилнинг ҳисоби –
 Янги йилнинг китоби.

Зид маъноли сўзларнинг тагига чизинг.



4. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Мазмунини сўзлаб беринг.


Эй ҳунаржон, ҳунаржон.

Ким ҳунар билса аъло

Бахти чопар доимо.

Йўлига, эй, ҳунаржон,

Сен сочасан нур-зиё.





1. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Шеър нима ҳақида?

Вокзалда

Қўлимизда чамадон,
Ўтиб неча хонадон.
Кириб бордик кенг залга,
Одам тўла вокзалга.
Биров дўстин кузатар,
Биров меҳмон узатар.
Биров кутар боласин,
Биров қутлар холасин.

Сиз вокзалда бўлганмисиз?



2. Сўзлаймиз.

Расмга қараб гаплар тузинг.





3. Ёзамиз.

Мақолларни кўчириб ёзинг. Ажратиб берилган сўзларнинг маъносини солиштиринг.

Сахийлик яхши одат,
Бахиллик – ёмон иллат.

Ўзингдан каттани ҳурмат қил,
Кичикларга илтифотли бўл!





4. Ўқиймиз.

Сайёҳлар дарахти

Америкада, Бразилияда сайёҳлар дарахти деб номланадиган ажойиб дарахтни учратиш мумкин. Бу дарахтда шох бўлмайди, йўғон танасидан катта-катта барглар чиқаради. Баргларнинг тузилиши елпиғичларга ўхшайди. Баргнинг танага туташган жойида чуқурча бўлиб, бу ерда ҳамиша сув туради. Чанқаб келган сайёҳлар ана шу сувдан ичиб яна йўлда давом этаверадилар.

Н.Раҳматов

Матндан иккинчи гапни кўчириб ёзинг. Зид маънога эга сўзни аниқланг.





1. Тинглаймиз.
Матни тингланг.

Ғор

Қадим замонда бир ғор бўлган экан. Ғорда дунёнинг турли билимлари йиғилган экан. Ғорнинг оғзи бир йилда бир марта очилиб, яна бекиларкан. Илмга ташна одамлар ғор очилиши билан кириб, улгурганларича билим олиб чиқишар экан. Буни эшитган Ибн Сино ғорга келибди. Ғор очилиши билан ичкарига кирибди. У билан кирганлар ғор ёпилмай чиқиб кетишибди. Ибн Сино ғорда бир йил қолибди ва жамики илмларни эгаллаб олибди.

Абдусаид Кўчимов

1. Ибн Сино ким бўлган?
2. Матндаги оғзи сўзи қайси маънода қўлланилган?



2. Ёзамиз.
Алишер Навоий ҳикматларини ўқинг. Мазмунини тушунтиринг, кўчириб ёзинг.

Бефойда сўзни кўп айтма,
Фойдали сўз кўп эшитурдан қайтма.

Билмагани сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Ҳикматлардаги бир-бирига зид маъноли сўзларни аниқланг.



3. Ўқиймиз.

Алишер Навоий бобомиз

Ўзбек халқининг улуғ шоири Алишер Навоий жаҳон адабиёти хазинасини ўз асарлари билан бойитди. Алишер Навоий ўзининг асарларида бахт-саодат, осойишталик, тинчлик, ободончилик, одоб, меҳр, ота-онани ҳурматлашни ҳикматлари орқали бизларга насиҳат қилганлар.



Матндан ким? нима? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни топинг



4. Аниқлаймиз.



Шеърни ўқинг. Мазмунини сўзланг.

Ўзбек тили

Ўзбек тили – элимнинг	Бобом Маҳмуд Қошғарий,
Уриб турган юраги	Ардоқлаган буюк тил.
Ўзбек тили – юртимнинг	Улуғ шоир Навоий
Келажаги – тарихи.	“Хамса” битган суюк тил.

Рауф Толиб

Ажратиб кўрсатилган сўзлар нега бош ҳарф билан ёзилган?



**1. Сўзлаймиз.**

Расмга қаранг. Саволларга жавоб беринг.



1. Ўқувчиларлар қаерга бордилар?
2. Музейда нималарни кўрдилар?

Билиб олинг!

Нутқ кишиларга шахс ва нарса ҳақида хабар бериш ёки сўраш учун керак.



2. Ўқиймиз.

Матнни ўқинг.

Одамлар жуда қадим замонлардан ўзаро муносабатларда сўзлашишни ўрганган. Бу оғзаки нутқ дейилган. Ёзув пайдо бўлгач, одамлар фикрларини ёзганлар. Бу ёзма нутқ дейилади.

3. Ёзамиз.

Гапларни ўқинг. Кўчиринг.

Компьютер ўйинларини танлаб ўйнаш керак. Мазмунли, билим берувчи ўйинларни ўйнаш лозим. Компьютер ёнида узоқ ўтириш соғлик учун зарар.



Сиз нималар ҳақида билиб олдингиз?



4. Ўқиймиз.

Шеърнинг мазмунини сўзлаб беринг.

Ассалом

Ҳар кун тонгда тураман,
Дилдан қувнаб юраман.
Қуёш, майса, ўтлоққа,
Дуч келган дўст ўртоққа –
Яйраб десам ассалом,
Завқ оламан бир олам.
Тоға, хола, аммага,
Салом дейман – ҳаммага.
Ҳамма дилдан салом дер,
Раҳмат, доно болам, дер.




Қамбар Ўтаев

Бола нимадан завқланади?
У кимларга салом беради?
Одамлар уни қандай олқишлашади?



5. Мақолларни ўқиб, кўчириб ёзинг. Мазмунини тушунтиринг.


1. Одоб боши – қизил тил,
Сўзинг доим ширин қил.
2. Сўздан ортиқ бойлик йўқ,
Ширин сўзда хорлик йўқ.





1. Аниқлаймиз, ёзамиз.

Расмга қараб кичик ҳикоя тузинг. Сарлавҳа танланг. Сарлавҳани қўйиб ҳикояни ёзинг. Ҳикоядан бир гапни танланг. Гап ким ёки нималар ҳақида айтилган? Ким? ёки кимлар? сўроғига жавоб бўлган сўзнинг тагига битта чизиқ чизинг.



2. Ўқиймиз. Ўқинг.

Муштарий барвақт туради. Юз-қўлини ювади ва катталарга салом беради. Муштарий эрталабки нонуштани тайёрлашда онасига ёрдамлашади.

Ҳикоя бизни нимага ўргатади?



3. Ёзамиз.

Алишер Навоийнинг ҳикматли гапларини ўқинг.
Мазмунини англаб олишга ҳаракат қилинг.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.
Қимки улуғроқ – анга хизмат керак,
Қимки кичикроқ, анга шафқат керак.

Гапларни кўчириб ёзинг.




4. Сўзлаймиз.

Ўқинг.

Ким кучли?

Бир куни Анвар ва Малик баҳслашиб қолишди. Анвар самолёт кучли деса, Малик тепловоз кучли деди. Маъруф трактор, Зокир юк машинаси кучли деди. Адиба келиб ўз фикрини айтди. У ҳамма нарсадан одам кучли эканлигини тушунтириб берди.

1. Сиз нима деб ўйлайсиз?
2. Ўз фикрингизни исботлаб беринг.





1. Аниқлаймиз. Гапларни ўқинг.

Шамолдан ўрмон шовуллади. Бой ўғли кемирувчиларни еб ҳаёт кечиради.

Бойўғли боғ ва ўрмонларда, дашт ва чўлларда яшайди. У тунда кемирувчиларни овлайди. Бойўғли – фойдали қуш.

Матн қайси устунда берилган? Қайси устунда ўзаро боғланмаган гаплар берилган. Матнни кўчиринг.

Билиб олинг!

Мазмунан ўзаро боғланган икки ёки бир неча гап матн дейилади. Матнга сарлавҳа қўйиш мумкин.



2. Сўзлаймиз. Расмга қараб гаплар тузинг. Гапларингиздан матн ҳосил бўлсин.





3. Ўқиймиз.

Ёшлар ижод саройи

Мамлакатимизда болалар ижодиётига катта аҳамият берилади. Юртимизда истеъдодли болалар жуда кўп. Улар рассомлик, ҳунармандчилик, бадиий адабиёт, санъат ва бошқа йўналишларда ижод қиладилар.


Саройда ёш ижодкорларнинг асарлари намоиш қилиб борилади. Бу ерда уларга зарур маслаҳатлар ҳам берилади.



1. Матнда нималар ҳақида ёзилган?
2. Саройда кимларнинг асарлари намоиш этилади?
3. Ўқувчилар саройида болалар яна нималар билан шуғулланадилар?



кемирувчилар
дашт



- гаплардан матн тузишни;
- ўқувчилар саройи ҳақида ўргандик.

РЕЖА АСОСИДА ҲИКОЯ ҚИЛИШ



1. Ўқиймиз.

Матнни ўқинг ва режа асосида қайта ҳикоя қилиб беринг. Матнга сарлавҳа танланг.

Қорамурт қишлоғида далаҳовлимиз бор. Ёзни оиламиз ўша ерда ўтказди. Отам ўз қўллари билан боғ яратган. Ёз бўйи мевалар бирин-кетин пишиб етилади. Полиз ва сабзавот экинлари ҳам яхши ҳосил беради. Онам қишга мевалардан қуритади ва сабзавотлардан тузламалар тайёрлайди.



Режа:

1. Ёзни далаҳовлида ўтказиш.
2. Боғ мевалари, полиз, сабзавот экинлари.
3. Ҳосилдан қишга ғамлаш ишлари.



2. Ёзамиз.

Ажратиб кўрсатилган сўзлардан бошлаб учта гап ёзинг.

Отам, яратди, боғ, мевали, дарахтлардан, ёрдамлашди, Акамлар, унга.

Мурабболар, Онам, тайёрлади, мевалардан.

Гапларни ёзинг. Ҳар бир гап ким ёки кимлар ҳақида айтилганини билдирган сўзни белгиланг.



3. Сўзлаймиз.

Топишмоқни ўқинг. Жавобини топинг.

Ранги ҳар хил: кулранг, оқ,

Оёқлари – юнг пайпоқ.

Ерда аста юради,

Кўпроқ сувда сузади.



Топишмоқни кўчиринг. Жавобини ёзинг. Шу парранда ҳақида оғзаки матн тузинг.



4. Аниқлаймиз. Шеърни ўқинг.

Меҳнатсевар халқимиз,
Юртни айлади бўстон.
Ҳаддан зиёд завқимиз,
Боғларимиз гулистон.

Зафар Диёр.

Ажратиб кўрсатилган сўзга зид маъноли сўз топиб айтинг.




5. Ёзамиз.

Расмда берилган нарсалар номини айтинг. Улар иштирокида гаплар тузинг.



Тузган гапларингиздаги зид маъноли сўзларни аниқланг.





1. Аниқлаймиз.

Нуқталар ўрнига ёлғон ёки рост сўзларидан бирини қўйиб, матнни ўқинг.

Рост сўзланг

Ёлғоннинг уруғи кўп бўлади. Арзимаган нарсадан алдасанг, ... яшириш учун каттароқ ... ўйлаб топишга мажбур бўласан. Кейин сирим ошкор бўлмасин деб, ундан ҳам каттароқ ... ишлатасан. Майда ёлғон ҳамиша ... келтириб чиқаради. Шунинг учун ... сўзлашни одат қилиш керак.



2. Ёзамиз.

Мақолларни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Ҳақиқат олтиндан қиммат.

Ҳақни ноҳақ этма,

Ноҳақни ҳақ этма.

Билмаганни билдим дема,

Қилмаганни қилдим дема.

Мақолларнинг мазмунини тушунтиринг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга маънодош сўзлар топинг.





3. Ұқиймиз.

Шеърни ўқинг. Мазмунини сўзланг.

Чин ва ёлғон

Бир оғиздан чиқса ҳам икков,
Чинга Ёлғон бўлар эди ғов.
Ёлғон гоҳо оғиз тўлдириб.
Ваъда берар роса кўпириб.
Сирим асло очилмасин деб,
Юрар Ёлғон ич-этини еб.
Шу сабабдан эгри йўл чизар
Анқов билан лақмани излар.
Ёмонларнинг кўнглин чоғ этар,
Яхшиларни йўлдан чалғитар.
Ҳурмат-иззат топганидан Чин,
Юрар эди мисоли лочин.
Чин қуёшнинг нурига ўхшар
Унинг билан ҳаммаёқ яшнар.
Чин инсонга сув ва ҳаводир,
Ҳар нарсага доимо қодир.
Кимки бўлса Чинга ҳамроҳ дўст,
Унда бўлмас сира каму кўст.
Душмандан ҳам баттардир Ёлғон,
Унга дилдан бермангиз макон.

Пўлат Мўмин





1. Ёзамиз.

Шеърни ифодали ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Баҳор келди,
Гул очилди.
Нур сочилди
Борлиққа.

Оҳ, қандайин
Ўйин кулгу!
Юрак тўлди
Шодликка!

Зафар Диёр

Нарсанинг номини билдирган сўзлар тагига битта,
харакатини билдирган сўзлар тагига иккита чизик чизинг.



2. Ўқиймиз.

Матнни ўқинг.

Бир куни Марат ручкасини эсидан чиқариб қўйибди. Тўлқинда эса иккита ручка бор эди. Марат ундан:

– Битта ручкангни бериб тур, ўртоқ, – деб сўраган эди, Тўлқин:

– Нега ўзингникини эсдан чиқардинг. Бермайман, – деди.

Марат бошқа қистамади. Шу куни у дарсда ҳеч нарса ёзолмади.

1. Тўлқин ортиқча ручкасини ўртоғига бериб турмагани тўғрими?
2. Сиз ўз нарсаларингизни ўртоқларингизга бериб турасизми?
3. Чин дўст сўзининг маъносини тушунтиринг.



3. Ұйлаймиз.

Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Ерда аста унади,
Офтоб чиқса кулади.
Баҳорнинг илк элчиси,
Буни ҳамма билади.

Матндаги қайси сўзларга маъноси яқин сўзлар танлай оласиз? Танлаган сўзларингизни ёнма-ён ёзинг.



4. Сўзлаймиз.

Расмга қараб ҳикоя тузинг.



қизғаниш
унади
айёр

- матн қаҳрамонла-
рини тасвирлашни
ўргандик.

ДЎСТЛАР, КЕТДИК ТАЪТИЛГА!



1. Ўқиймиз. Шеърни ўқинг.

Дўстлар, кетдик таътилга!

Яхшиликка бой бўлиб,
 Гўзалликка ой бўлиб,
 Шамоллари ўйноқи
 Югуришда той бўлиб.
 Бизни чорлайди ўртоқ,
 Қир бағрига юр тезроқ.
 Кўз-кўз қилиб ҳуснини,
 Табиат кутар муштоқ.
 Ўйнайлик хушвақт бўлиб,
 Ўйнайлик кулиб-кулиб,
 Орзумизни кўк сари
 Учирайлик қуш қилиб,
 Сойларда сув кечайлик,
 Сойлар сувин ичайлик,
 Соҳилида ўлтириб
 Хаёлларда учайлик.
 Қирлар бағри қизғалдоқ,
 Қир бағрига юр ўртоқ!
 Болаликнинг завқидан
 Қирга қадайлик байроқ.

Шеърдаги нарсанинг белгисини билдирган сўзларни аниқланг.



2. Ёзамиз.

Шеърни ўқинг, кўчириб ёзинг.

Сўлим, табиатнинг
Гул-чечагиман.
Обод, ҳур юртимнинг
Келажагиман.

Бу сатрларнинг мазмунини тушунтириб беринг.



3. Сўзлаймиз.

Расмга қаранг. “Ёзда” мавзусида ҳикоя тузинг.



Дам олишда нималардан эҳтиёт бўлиш керак деб ўйлайсиз?



4. Ұйлаймиз.

Ёзги дам олишни қаерда ўтказмоқчисиз? Ўз режаларингиз ҳақида дўстларингиз билан сўхбатлашинг.




5. Ұқиймиз.


Сўнги дарс

Ўқув йилининг сўнги қўнғироғи чалинди. Ҳаммамиз синфга кирдик. Ўқитувчимиз Санобар Каримовна:

– Сизлар йил давомида ўқидингиз, кўп нарсаларни билиб олдингиз. Энди таътилда мириқиб дам оласиз, – дедилар. Сўнгра ўқитувчимиз таътил давомида янги ўқув йилига тайёргарлик кўришни унутмаслигимиз тўғрисида ҳам гапирдилар. Биз таътилда нималар қилишимиз, қандай бадий китобларни ўқишимиз ҳақида маслаҳатлашдик. Шундан кейин ўқитувчимиз билан мамнун хайрлашдик.



муштоқ
сўлим



- шеър мазмунига мос саволлар тузишни;
- ёзги таътил учун режа тузишни ўргандик.

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

Абад	Ҳамиша, доимо, мангу.
Антракт	Спектакль ёки концерт бўлимлари орасидаги танаффус.
Акробат	Спорт гимнастикаси билан шуғулланувчи спортчи.
Аранг	Катта қийинчилик билан, зўрға.
Бахмал	Духоба.
Баҳам	Тенг бўлишиб емоқ.
Беда	Кўп йиллик ўсимлик.
Бежоғли	Безатилган, ясатилган.
Ваҳм	Қўрқув, ваҳима.
Виқорли	Улуғвор, салобатли.
Гуруллаган	“Гур” этган овоз чиқарган.
Даврон	Даврлар, замонлар.
Даркор	Керак, зарур.
Донгдор	Машҳур.
Жавон	Шкаф.
Жўра	Дўст, ўртоқ.
Жўшиб	Тўлиб-тошиб.
Занжир	Тартиб билан бир-бирига ўтказилган металл ҳалқалар тизмаси.
Зич	Бир-бирига жуда яқин жойлашган; қалин.
Ийманган	Уялган, тортинган.
Инъом	Совға.
Ирмоқ	Бирлашиб катта дарё ҳосил қилувчи кичик дарё.
Калом	Сўз, нутқ, гап-сўз.

Карж	Қовун ёки тарвуз тилимидан кўндалангига кесилган бўлақлар.
Кунжара	Уруғ ёки мағизларнинг ёғи сиқиб олингандан кейинги қолдиғи.
Ландавур	Ҳеч бир ишни уддалай олмайдиган.
Манба	Бирор нарса олинадиган, чиқадиган ёки ишлаб чиқариладиган жой.
Манглай	Пешона.
Макон	Турар жой; бирор нарса тўпланган жой.
Мақбара	Қабр устига қурилган бино.
Мош	Юмалоқ, тўқ яшил донли экин ва унинг овқатга ишлатиладиган дони.
Мудом	Доим, ҳамма вақт.
Най	Олтита тешигини бармоқлар билан бекитиб-очиб, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби.
Парвона	Чироқ атрофида айланувчи тун капалаги.
Пайванд	Боғланган, уланган.
Паноҳ	Ҳимоя.
Пилла	Ипак қуртининг маҳсули.
Пухта	Пишиқ.
Салбий	Рад этувчи, қайтарувчи; ёмон баҳо ёки фикр.
Саф	Қатор.
Сергак	Зийрак, тез билиб оладиган.
Сермаъно	Маъно жиҳатидан бой, жуда маъноли.
Соҳил	Сув ҳавзаларининг чети; қирғоқ.
Сули	Ем учун экиладиган ғалла ўсимлиги ва унинг дони.
Табобат	Даволаш усуллари.

Тилмоч	Таржимон.
Тилак	Бирор нарсани амалга ошириш учун бўлган истак, хоҳиш.
Фазо	Осмон, коинот.
Фаровон	Ҳамма нарсаси мўл-кўл, сероб.
Фаррош	Кўча-кўй, ҳовли ва боғларни супуриб-сидириб юрувчи хизматкор.
Фаҳм	Инсоннинг тушуниш, англаш қобилияти.
Хатар	Бирор бахтсизликка олиб келиши мумкин бўлган шароит, хавф.
Хипча	Ингичка, нозиккина.
Хирмон	Даладаги ҳосилни тўплаш ва тозалаш учун ажратилган жой, майдонча.
Хушнуд	Хурсанд, шод, мамнун.
Хўранда	Ошхонада овқат сотиб олувчи киши; овқатланувчи.
Чанг	Тўрт бурчак ясси қути шаклидаги, сим торлар тортилган, қўш чўп билан уриб чалинадиган чолғу асбоби.
Чароғон	Ёруғ, порлоқ.
Шалола	Дарё, жилға сувларининг тошларга урилиб, шовуллаб оқадиган жойи.
Шийпон	Даладаги дам олиш ва овқатланиш учун қурилган махсус бино.
Эркин	Бемалол.
Юмуш	Иш, хизмат, меҳнат.
Ялмоғиз	Дуч келган ҳамма нарсани еб-ютиб юборадиган афсонавий махлуқ жодугар.
Қайиш	Турли мақсадлар учун ишлатиладиган узун чарм тасма.

Қалъа	Душман ҳужумига қарши мустаҳкам девор билан ўралган шаҳар.
Қатъий	Ўзгармайдиган, мустаҳкам.
Қилча	Озгина, кичкина.
Қозиқ	Ерга қоқиш учун мўлжалланган учи ўткир ёғоч ёки темир.
Қубба	Ярим шар шаклидаги гумбаз.
Ғўза	Чигитдан униб чиқиб пахта ҳосили берадиган ўсимлик.
Ғурур	Инсоннинг ўз қадр-қимматини билиш, уни ҳурмат қилиш ҳисси.
Ҳазм	Таомнинг ошқозонда сингиши.
Ҳамқишлоқ	Бир қишлоқда туғилиб ўсган киши, бир қишлоқлик.
Ҳилол	Янги чиққан ой.
Ҳудуд	Чегара.

МУНДАРИЖА

СОҒ ТАНДА СОҒЛОМ АҚЛ

Сўз.....	3
Нарса номини билдирган сўзлар.....	6
Нарса номини, ҳаракатини билдирган сўзлар ...	10
Нарса ҳаракатини билдирган сўзлар	13
Шахс ва нарса номини билдирган сўзлар.....	16
Нима? сўроғига жавоб бўлган сўзлар	19
Ким? Нима? сўроғига жавоб бўлган сўзлар.....	21
Шахс ва нарсанинг номини билдирган сўзлар... ..	24
Нималар? сўроғига жавоб бўлган сўзлар	27
Ким? Кимлар? сўроғига жавоб бўлган сўзлар ...	29
Кишиларнинг исм ва фамилияларининг бош ҳарф билан ёзилиши	32
Кишиларнинг исм-фамилияларининг бош ҳарф билан ёзилиши	35
Спортчи дўстларим	38
Тозаликка риоя қиламан.	41
Ҳайвонларга қўйилган номларнинг бош ҳарф билан ёзилиши	44
Ҳайвонларга қўйилган номларнинг ёзилиши	47
От – йигитнинг қаноти.....	50
Ҳайвонларга қўйилган номлар	53

УРФ – ОДАТЛАР ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Она юртим ҳақида	56
Жой номларининг ёзилиши	59
Жой номларининг ёзилиши	61
Дарё ва кўллар номини билдирган сўзлар	64

Шахс ва нарса ҳаракатини билдирган сўзлар....	67
Ҳунарли хор бўлмас.....	70
Шахс ва нарса ҳаракатини билдирган сўзларнинг бирликда ва кўпликда қўлланиши..	73
Ҳаракатни билдирган сўзлар.....	76
Шахс ва нарса белгисини билдирган сўзлар.....	79
Биргаликда ўйнаймиз.	82
Сўз туркумларини аниқлаймиз	85
Йўл кўрсатар уч чироқ.....	87
Мен эртак айтаман.	90
Шахс ва нарса саноғини билдирган сўзлар	92
Шахс ва нарса саноғини билдирган сўзлар	94
Шахс ва нарса саноғини билдирган сўзлар	98
Миллий кийимлар	100
Шахс ва нарса ҳаракатини, белгисини, саноғини билдирган сўзлар	103

АТРОФИМИЗДАГИ ОЛАМ

Гап ҳақида маълумот	106
Гап.....	109
Дарак гап	112
Дарак гап	115
Қушларни ажрата билинг.....	118
Сўроқ гап	121
Бирни кессанг, ўнни эк.	124
Ундов гап	126
Сахий қуёш	129
Она табиатни авайлаймиз.	131
Гапнинг бош бўлаклари.....	133
Биласизми?.....	135
Кесим.....	137

Гапларда сўзларнинг боғланиши	139
Бизни ўраб турган олам.....	141
Мўъжизакор табиат	143

САЁҲАТ

Сўзларнинг маъноси	145
Маънодош сўзлар	150
Маънодош сўзлар	152
Маънодош сўзлар	154
Зид маъноли сўзлар	156
Сўзларнинг маъносини фарқлаймиз.....	158
Зид маъноли сўзлар	160
Сўзларнинг маъноси	162
Нутқ	164
Қим кучли?	167
Матн	169
Режа асосида ҳикоя қилиш	171
Мустаҳкамлаш	174
Такрорлаш.....	176
Дўстлар, кетдик таътилга!.....	178
Изоҳли луғат	181

Учебное издание

**Зарифа Исламшиковна Аташикова
Махбуза Октамовна Мусаева
Нигара Октамбаевна Шамадиева**

Ўзбек тили

2-қисм

**Умумтаълим мактабларининг
2-синфи учун дарслик**

(на узбекском языке)

Редактор Н.О. Юсуфбаева
Художественный редактор Ш. Шомухсинов
Дизайн обложки Е.К. Мейрбеков
Дизайн и компьютерная верстка Г.А. Утенова

ИБ №4530

Подписано к печати 22.06.2022 г. Формат 70×100¹/₁₆.
Бумага офсетная. Гарнитура «SchoolBook Kza». Печать офсетная.
Физ. печ.л. 11,75. Усл. печ.л. 15,28. Усл. кр. от. 61,1.
Тираж 0000 экз. Заказ №



Қазақстан Республикасы, “Жазушы” баспасы
050009, Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй
E-mail: zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-784-8



9 786012 007848